

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 339.5:339.138 (575.1)

АДЫЛОВА ЗУЛЬФИЯ ДЖАВДАТОВНА

ХАЛҚАРО БОЗОРЛАРГА ЭКСПОРТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ
ЙЎНАЛТИРИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ

08.00.13 – «Менежмент ва маркетинг» ихтисослиги

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2008

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар” кафедрасида бажарилган

Илмий маслаҳатчи:

иқтисод фанлари доктори, профессор
Бекмурадов Адҳам Шарипович

Расмий оппонентлар:

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги,
иқтисод фанлари доктори, профессор
Ғуломов Саидахрор Саидахмедович

иқтисод фанлари доктори, профессор
Насритдинова Мухтабар Азизовна

иқтисод фанлари доктори
Исаджанов Абдували Абдураҳимович

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси
ижтимоий-иктисодий
тадқиқотлар маркази

Диссертация 2008 йил “~~Ч~~ елчим” соат “9:00” да Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий дараражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д 067.06.01 рақами Ихтисослашган кенгаш мажлисида ҳимоя қилинади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарбилиги. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида юз берган энг чуқур ўзгаришлар каторида ташки иктисодий мажмууани жадал шакллантириш зарурияти ҳамда мамлакаттининг жаҳон иктисодий тизимиға кириб бориши йўлларини белгилаш каби тадбирлар мавжудлиги бир неча бор таъкидланиб, бу борадаги охирги йилларда қўлга киритилган жиддий ютукларимиз жаҳон жамоатчилиги эътиборини мунтазам жалб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тамойилларга асосланган «Очиқ эшиклар» сиёсатини изчиллик билан ўтказаётган Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида экспортчи мамлакат сифатидаги позициялари сезиларли мустаҳкамланди. Шунинг билан бирга ташки бозорларда рақобатнинг кескинлиги корхоналар учун ҳалқаро маркетинг тизимини шакллантириш ва ундан рақобат устунлигини қўлга киритишда фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда. Демак, Ўзбекистон иктисодиётининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантиришда айнан ҳалқаро маркетинг тизими экспорт инфратузилмасининг энг муҳим бўғинига айланмоғи лозим. Шу маънода илмий изланишда ҳалқаро бозорларга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш муаммоларини ўрганилиши ҳозирги вақтда нафакат илмий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимида муносиб ўз ўрнида бўлиши, технологик жиҳатдан ривожланган давлатлар эгаллаб турган ҳалқаро бозорларда рақобатчилик қила оладиган мамлакат сифатида ўз позициясини эгаллаши асосий масалалардан биридир. Бинобарин, ҳомашё ва маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналарнинг ташки бозорларга чикиш борасидаги илгор маркетинг стратегиялари эвазига ижобий натижаларга эришиш мумкинdir.

Бунинг учун концептуал илмий изланишлар олиб бориш ва стратегик вазифаларни белгилаш борасида услубий ёндашувларни ишлаб чиқиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўз навбатида жаҳон иктисодиёти глобаллашуви жараёнларининг Ўзбекистон иктисодиётига таъсирини баҳолашни чуқур илмий таҳлилларсиз амалга ошириб бўлмайди. Ижобий натижаларга факатгина бозорлар қўламини кенгайтириш ҳамда шу билан бирга, ҳомашё ва маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи корхона ва ташки савдо компаниялари ҳалқаро маркетинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда жаҳон бозорларига чикишда ҳалқаро интеграция ва кооперация стратегиялари асосида мустахкам илмий-техник ҳамкорлик ва компаниялараро алокаларини фаоллаштириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш оркалигина эришиш мумкин.

Бу хусусда мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов: "...кооперация алокаларини кучайтириш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мақсаддга мувоғик ҳолатларда, трансмиллий корпорациялар таркибиға кириш очик иктисодиёт йўлида изчил ривожланишишимизнинг муҳим омили хисобланади. Масаланинг бу

тарзда қўйилиши, аввало хом ашёни комплекс равища ва чукур қайта ишлаш негизида қўшимча киймат даражаси юкори, замонавий юксак технологияларга эга бўлган саноат тармокларини ривожлантиришга каратилган таркибий ислоҳотларимизнинг моҳиятидан келиб чиқади¹- деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистонда экспортбор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан бир каторда ушбу маҳсулотларни ҳалқаро бозорларда самарали сотишнинг маркетинг стратегиясини шакллантириш, жаҳон бозорида Ўзбекистон маҳсулотларининг улушкини ошириш ва замонавий “ўзбек” бренди асосида товарлар ассортиментини кенгайтириш ҳамда хорижий давлатлар, хусусан, МДҲ ва Жануби-Шаркий Осиё мамлакатлари билан савдо-иктисодий муносабатлар доирасида ҳалқаро ишлаб чиқариш интеграциясини ва кооперациясини кучайтириш бўйича аниқ тавсиялар ва илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиши ниҳоятда мухим ва долзарб масала бўлиб, буларнинг барчаси тадқиқот мавзусининг бугунги кун талабларидан келиб чиққанлиги далиллайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзуни тадқиқ этиш борасида таникли маҳаллий ва хорижий олим ва мутахассисларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва ташки савдони ривожлантириш, унинг назарий ва методологик асослари, шунингдек, классик, ҳалқаро ва минтақавий маркетинг муаммоларига бағишлиланган илмий асарлари мавжуддир. Жумладан, хорижий олимлардан И.Ансофф, Г.Ассэл, Л.Берековен, Е.Берковиц, Б.Берман, А.Дайян, П.Диксон, Е.Дихтл, У.Киган, Ф.Котлер, Ж.-Ж.Ламбен, Х.Майнер, С.Мажаро, М.Пебро, М.Портер, У.Руделиус, Г.Хулей, Х.Швальбе тадқиқотлари классик ҳамда ҳалқаро маркетингнинг умумназарий муаммоларига бағишлиланган бўлиб, МДҲ мамлакатларида Г.Г.Абрамишвили, Г.Л.Багиев, И.Н.Герчикова, Е.П.Голубков, Ю.Н.Грачев, Т.П.Данъко, П.С.Демидов, С.И.Долгов, П.С.Завъялов, Н.К.Моисеева, Р.Б.Ноздрева, В.И.Черенков, А.Н.Шмиттгоф илмий ишларида миллий ва ҳалқаро маркетинг муаммолари тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикасида Р.В.Абдуллаев, Қ.Х.Абдураҳманов, А.М.Алимов, Д.К.Ахмедов, Т.М.Ахмедов, А.Ш.Бекмуродов, Б.Б.Беркинов, М.Р.Болтабоев, А.В.Ваҳобов, С.С.Ғуломов Ж.Ж.Жалолов, А.А.Исаджанов, Б.А.Исламов, И.И.Иватов, Н.К.Йўлдашев М.С.Қосимова, А.К.Қодиров, Д.М.Муҳитдинов, Г.Г.Назарова, М.А.Насритдинова, Г.Н.Охунова, А.Ф.Расулов, Н.Сироҗиддинов, А.А.Фаттахов, Б.Ю.Ходиев, Б.А.Хўжаев, Г.А.Хачиев, А.Э.Шайхов, Р.Х.Шодиев, Т.Ш.Шодиев ва бошқаларнинг илмий изланишларида ҳалқаро иктиносидий ҳамкорлик доирасида саноат корхоналари ва тармокларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда миллий маркетинг тизимини ривожлантириш масалалари ўз аксини топган.

Хусусан, Ўзбекистонда пахтачилик тармоғининг ривожланиш босқичлари, пахта толаси ва тайёр маҳсулотлари экспорт салоҳияти масалалари Д.К.Ахмедов, Р.В.Абдуллаев, М.Р.Болтабоев ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Жумладан, иктиносидчи олимлардан

¹ Каримов И. Мамлакатнимиз тариккнётӣ ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш - барча демократик янгиланиш ва иктиносидий ислоҳотларимизнинг пировард мансадидир. Т. Ўзбекистон, 2007, 41-бет.

Д.К. Ахмедовнинг ишларида пахта толасини Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг микроиктисодий муаммолари, пахтачиликнинг истиқболлари хамда агросаноат мажмуудаги ўрни таҳлил этилган. Р.В.Абдуллаевнинг илмий ишларида пахта толаси бозори инфратузилмасини шакллантириш ва экспортини кенгайтиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. М.Р.Болтабоевнинг ишларида эса текстил маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ушбу жараёнларни маркетинг концепцияси хамда стратегиясига биноан бошқариш масалалари чукур таҳлил этилиб, соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари баён этилган.

Гарчи келтирилган тадқиқотларда кўйилган масалалар анча теран ишлаб чиқилган бўлсада, лекин миллый хўжалик тараккиётида халқаро маркетингнинг ўрни, шунингдек халқаро маркетингнинг услубий жиҳатлари ва унинг мақсадли бозорларни танлашдаги аҳамияти, халқаро бозорларнинг жозибадорлиги ва истеъмол салоҳиятини баҳолаш методологияси, экспорт маҳсулотларини мақсадли бозорларга йўналтиришда ишлаб чиқаришнинг халқаро интеграция ва кооперация стратегияларидан самарали фойдаланиш жараёнларининг методологик жиҳатлари деярли ўрганилмаган. Фикримизча, ушбу масалалар Ўзбекистон учун принципиал жиҳатдан янги масалалар бўлиб ҳисобланади ва ушбу илмий изланишида бу борада диссертант томонидан уларнинг ечимини излаш ҳаракати килинган.

Мазкур илмий ишнинг дикқатга сазовор яна бир жиҳати шундаки, унда илк бор хомашё ва тайёр маҳсулотларни халқаро бозорларга йўналтиришда “*миллый маркетинг*”, “*экспорт маркетинги*” ва “*халқаро маркетинг*” тушунчалари киёсланиб, замонавий тамоилларга асосланган услубий ёндашувлар таклиф этилган. Айни вақтда халқаро маркетинг концепцияси ташки омиллар, глобаллашув ва рақобатнинг кучайиши натижасида янги мазмун қасб этмоқда, маркетинг стратегияларини яратиш бўйича таклиф этилаётган назариялар эса кўпгина тортишувларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишида кўплаб экспортёр корхоналарда халқаро маркетингдан амалда фойдаланиш механизми яратилмаганлиги, уни ривожлантириш ва халқаро рақобат шароитида рақобат устунлигини кўлга киритишга оид стратегияларни ишлаб чиқишининг назарий ва методологик асослари ҳали ҳам тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги, мавжудлари эса такомиллаштирилиши зарурлиги Ўзбекистондаги экспортёр корхоналарнинг жаҳон хўжалик тизимида ва тобора динамик ривожланиб бораётган ташки иктисодий алоқаларда ўз позицияларини мустакил эгаллашлари борасидаги муаммо бўлиб, уларга назарий ва амалий эътиборни кучайтириш лозим.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Давлат фан ва техника қўмитаси томонидан Тошкент давлат иктисодиёт университетига берилган 01.02.0011525-сонли “Ўзбекистонда иктисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-техник дастурини бажариш бўйича “Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатлар” кафедраси илмий изланишлар дастурига киради.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади - Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган халқаро маркетингнинг илмий концепциясини ривожлантириш ҳамда халқаро бозорларнинг жозибадорлигини баҳолаш услубиётларини такомиллаштириш асосида миллий маҳсулотларни ташки бозорларга йўналитишнинг маркетинг стратегиясини амалга ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқотнинг мақсадига эришиш учун диссертацияда қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- глобаллашув жараёнида халқаро маркетингнинг илмий-назарий асосларини ҳамда замонавий методологик услубларини тадқиқ қилиш;
- ҳомашё ва тайёр маҳсулотларни экспорт қилишда халқаро маркетинг услубиётини такомиллаштириш ва мавжуд стратегик ёндашувларга баҳо бериш;
- жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида халқаро маркетингнинг замонавий концепциясини ривожлантириш ва уни ўтиш даври иқтисодиётига тадбиқ этиш;
- экспортнинг диверсификация, марказлашув, глобал, халқаро ва мультидоместик стратегиялар синфларини тавсифлаш ва Ўзбекистон Республикасининг экспортёр корхоналарида кўллаш учун илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК) халқаро бозорларни ўзлаштириш стратегияларини тадқиқ этиш ва уларнинг асосий жиҳатларини очиб бериш;
- глобал бозорларда нарх ва маркетинг стратегиясига асосланган рақобат устунлигининг моҳиятини ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;
- ривожланаётган давлатларнинг текстил маҳсулотлари экспортига кўйиладиган савдо тўсиқларини ўрганиш ва уларни таҳлил этиш бўйича Ўзбекистон корхоналари учун зарур тавсияларни бериш;
- халқаро бозорларнинг жозибадорлиги ва истеъмол салоҳиятини баҳолаш методологиясини тавсифлаш бериш ва вакт тренди ҳамда эконометрик модел асосида истиқболли бозорларнинг маркет скринингини ўтказиш;
- Бенчмаркинг ёндашуви ҳамда рақобатли позициялаш асосида пахта толаси ва текстил маҳсулотларининг мақсадли бозорларини тадқиқ этиш;
- халқаро бозорларга кириш усулларини тавсифлаш ва танлаш йўлларини асослаб бериш;
- пахта толаси ва текстил маҳсулоти экспортида транспорт харажатларининг иқтисодий самарадорликка таъсирини баҳолаш;
- ЕврОсиё иқтисодий ҳамжамияти бозори заминида текстил тармоғида ишлаб чиқаришининг халқаро интеграциялашув стратегияларининг мавжуд вариантларини ўрганиш, мукобил вариантини танлаш ва амалда кўллашнинг имкониятларини илмий асослаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Миллий маҳсулотларнинг йўналтирилиши мумкин бўлган халқаро бозорлар ҳамда пахта ва текстил маҳсулотларининг экспортி билан шугуулланадиган маҳаллий корхоналар ва ташки савдо компаниялари - *тадқиқот объекти*, Ўзбекистон иқтисодиёти тизимида халқаро маркетинг концепциясини ва стратегиясини ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг халқаро интеграциялашуви жараёнлари ва усувларини тадқиқ этиш - *тадқиқот предмети* бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотининг назарий ва методологик асосини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фундаментал асарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, қонуний-меърий хужжатлар, бозор муносабатларини ривожлантириш бўйича классик ва замонавий иқтисодий назариялар, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнларининг ривожланиши ва Ўзбекистон иқтисодиётининг интернационаллашуви қонуниятларини асослашга доир тадқиқотлар, мамлакатдаги ва чет эллардаги олимларнинг ушбу мавзуга ва муаммоларга оид ишланмалари ташкил этади.

Тадқиқот ишининг аҳборот базасини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алокалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси, МДҲ статистика қўмитаси ва ЮНКТАД статистика бошқармаси, Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК, «Ўзмарказимпэкс», «Ўзпроммашимпэкс», «Ўзинтеримпэкс» ташки савдо компаниялари, «Ўзташкитранс» ДАК, «Сифат» маркази шунингдек, бошка вазирликлар ва идоралар материаллари ҳамда статистик маълумотлари ташкил этди.

Ушбу ишни амалга оширишда Ўзбекистонда ташки иқтисодий фаолиятни тартибга солицга доир қонунчилик ва меърий хужжатлар, Европа Иттифоқи Комиссиясининг ва ЕврОсиё иқтисодий ҳамжамияти ташкилотининг хукукий хужжатлари, Жаҳон банки, Халқаро пахта консультатив қўмитаси (ICAC), халқаро ташкилотларнинг ўрганилаётган муаммога бағишлиланган иқтисодий таҳлиллари, шунингдек, Ўзбекистон минтақаларини ривожлантириш бўйича расмий хужжатлар ва дастурлардан фойдаланилди.

Тадқиқот усувлари. Тадқиқот жараённида иқтисодий воқелик ва жараёнларни ўрганишнинг турли илмий усувлари: иқтисодий тизимларни таҳлил этишга нисбатан диалектик ёндашув, таҳлил ва синтез, комплекс ёндашув каби умумий илмий усувлар, шунингдек, маҳсус иқтисодий усувлар - киёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, сегментлаш, позициялаш, “мақсадлар дарахти”, корреляцион таҳлил, график, танловли сўровнома ва аҳборот тўплаш, ва бошка усувлар кўлланилиди.

Химояга олиб чиқилаётган асосий холатлар:

- хомашё ва товарларни экспорт килишда халқаро маркетинг стратегияларини шакллантириш методологияси;
- миллий хўжаликнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва миллий маҳсулотларни халқаро бозорларга йўналтиришда жаҳон бозорига чикиш усувларини танлаш мезонлари;

- халқаро маркетингнинг марказлашув ва диверсификация стратегиялари асосида мақсадли бозорларни ўзлаширишнинг илмий асосланган кўрсаткичлар тизими;
- экспортёр компания ва корхоналарнинг глобал экспорт стратегияларини яратишда халқаро бозорларни тадқиқ этишининг маркет скрининги эконометрик моделларидан фойдаланиш имкониятлари;
- халқаро бозорларга пахта толаси ва текстил маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегияси ва рақобатли позициялашув босқичларини ишлаб чиқишининг услубий ёндашуви;
- пахта толаси ва текстил маҳсулотларини экспорт қилишда транспорт харажатларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усули;
- экспортёр корхоналар учун ишлаб чиқаришининг халқаро интеграция ва кооперация стратегияларининг муқобил варианatlари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Глобаллашув жараёнида Ўзбекистон маҳсулотларини жаҳон бозорларига фаол йўналтиришнинг халқаро маркетинг стратегиясини яратиш ҳамда пахта ва текстил экспорти самарадорлигини оширишга қаратилган халқаро маркетинг концепциясини назарий бойитиш, ривожлантириш ва илмий-услубий асосларини такомиллаштириш тадқиқотнинг илмий янгилиги хисобланади.

Диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилигини ташкил этувчи асосий натижалар қўйидагилардир:

- халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланиши доирасида халқаро маркетинг услубларига муаллифнинг ёндашувлари ва жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида халқаро маркетингнинг миллий хўжаликнинг иқтисодий тараккиёти учун аҳамияти ва роли асослаб берилган;
- “миллий маркетинг”, “экспорт маркетинги” ва “халқаро маркетинг” тушунчаларининг замонавий қиёслама таҳлили амалга оширилган ва унинг макро даражадаги функциялари асосланган;
- халқаро бозорларнинг макро ва микро сегментацион таҳлиллари доирасида икки босқичли “минтақавий сегментни” тадқиқ этиш лойиҳаси таклиф этилган;
- нарх ва маркетинг стратегиясига асосланган рақобат устунлигининг назарий асоси ўрганилиб, уларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш имкониятлари белгиланган;
- пахта ва текстил саноатида кооперацион ва интеграцион жараёнларни кенгайтириш мақсадида тармоқ кластери таркиби асосланган;
- Ўзбекистоннинг экспортёр корхоналари учун истиқболли экспорт бозорларининг *вақт тренди* усули ва эконометрик модел асосида маркет скрининги ўtkазилган ва ташки бозорларнинг жозибадорлик даражасини тавсифлайдиган қиёсий баҳолаш услубиёти асосланган;
- *Бенчмаркинг ёндашуви* асосида пахта толаси ва текстил маҳсулотлари мақсадли бозорларини диверсификациялаш асослаб берилган;
- халқаро бозорларда пахта толаси ва текстил маҳсулотларини рақобатли позициялаш босқичлари таклиф этилган;

- Ўзбекистондаги пахта ва текстил маҳсулотларини экспорт қилувчи ташки савдо компаниялари ва корхоналари учун экспортнинг *маркетинг стратегиясини яратишнинг услубий ёндашувлари ишлаб чиқилган;*
- пахта толасини жаҳон бозорларига етказишида юклар оқимларини тақсимлашнинг *иктисодий-математик модели ишлаб чиқилган;*
- ЕврОсиё иктиносидий хамжамияти миқёсида текстил тармогида тармоқлараро ишлаб чиқаришнинг халқаро интеграциялашув стратегиясининг мұқобил варианти илмий асосланған.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертацион изланишда эришилган илмий натижалар жаҳон иктиносидиётининг глобаллашуви шароитида халқаро экспорт бозорларидағи истеъмолчиларга таъсир кўрсатишнинг халқаро маркетинг механизмидан самарали фойдаланиш асосида Ўзбекистон иктиносидиётининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга ҳамда мамлакат худудларида ишлаб чиқарилаётган экспорт маҳсулотларининг ракобатбардошлигини маркетинг стратегияси асосида таъминлашга қаратылган.

Мазкур исда таклиф этилган услублар ва унинг натижаларидан манфаатдор вазирликлар, ташкилотлар ҳамда мамлакат минтақалари маъмуриятлари куйидаги йўналишларда фойдаланиши мумкин:

- халқаро бозорларнинг истеъмол жозибадорлигини баҳолаш - ташки иктиносидий алоқаларни диверсификациялаш ва тармоқнинг жаҳон хўжалик алоқалари тизимидағи ўрнини мустаҳкамлаш;
- экспорт маҳсулотларини халқаро бозорларга йўналтириш бўйича энг самарали стратегиялардан бирини танлаш - халқаро бозорларга чиқищдаги тижоратчилик таваккалчилигини пасайтириш;
- халқаро маркетинг воситаларидан фаол фойдаланиш - халқаро бозорлардаги истеъмолчилар феъл-авторини ўрганишнинг янгича услубини шакллантириш;
- эконометрик моделлар ёрдамида маркет скринингдан ҳамда халқаро маркетинг воситаларидан фаол фойдаланиш, халқаро бозорларни ўрганиш ва танлашнинг янгича услубини шакллантириш;
- текстил тармогида ишлаб чиқаришнинг халқаро интеграциялашуви учун инвестицион жозибадорлигини оширишга оид таклифлар ва хуласалар ишлаб чиқиши, халқаро кластерлар тузиши асосида йирик халқаро инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш асосида соҳага чет эл инвестицияларининг кириб келишини рағбатлантириш;
- мамлакат ва тармоқнинг нуфузли имиджини шакллантириш, уларнинг жаҳон бозори субъекти сифатидаги иштирокини ва обрўсини ошириш.

Тадқиқот натижалари корхоналар ва минтақаларнинг ташки иктиносидий фаолият соҳасида банд бўлган мутахассислари хизмат доирасида ва уларнинг малакасини ошириш тизимида ҳамда олий ўкув юртларида халқаро маркетинг, стратегик маркетинг, ташки иктиносидий фаолият асосларига доир ўкув жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалиёттга жорий қилиниши. Тадқиқотчи томонидан диссертацияда ишлаб чиқилган хулоса ва тақлифлар Ўзбекистон Республикаси фан ва техника Давлат юмитасининг Д-2.38 “Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви шароитида иқтисодиётни ислоҳ килиш ва тақомиллаштиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш” мавзусида бажарилган илмий лойиҳаси ҳисоботига (Маълумотнома №1233, 05.05.06) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ТИАИС вазирлиги томонидан (Маълумотнома №01/15-195, 11.10.07) ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Маълумотнома №1-2/20-84, 19.11.07) томонидан ушбу вазирликлар тизимида фаолият юритувчи ташкилотлар амалиётида фойдаланиш учун қабул қилинган. Шунингдек, диссертация материалиларининг айрим қисмлари Тошкент давлат иқтисодиётуниверситети ўкув режасига киритилган: “Халқаро маркетинг”, “Стратегик маркетинг” ва “Ташқи иқтисодий фаолиятда маркетинг” фанлари бўйича маъруза ва семинар машғулотларини олиб бориша кенг фойданилмоқда (Маълумотнома №35, 30.06.06).

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари Тошкент давлат иқтисодиётуниверситети профессор-ўқитувчиларининг 2001-2007 йилларда ўтказилган илмий анжуманлари ва “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Халқаро маркетинг”, “Халқаро молия” кафедраларининг кўшма илмий семинарларида, шунингдек “Эришилган мэрраларни мустаҳкамлаш ва ислохотлар йўлидан изчил боришини тақомиллаштириш” (Тошкент, 7 январь, 2006 йил), “Иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат экспорт салоҳияти ва ракобатбардошлигини оширишнинг муҳим омилидир” (2006 йил 28 декабрь), “Халқаро савдонинг глобаллашуви шароитида божхона тизимини тақомиллаштириш муаммолари” (2007 йил 7 январь) мавзуларидаги республика илмий-амалий конференцияларида, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида “Инновацион менежмент” (Москва, 2007 йил 14 январь) ва Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг 100 йиллигига бағишиланган “Иқтисодиёт ва технологиялар” (Москва, 2007 йил 20 январь) мавзуларидаги илмий-амалий семинарларда маъруза килинган ва муҳокама этилган.

Диссертация иши, шунингдек Тошкент давлат иқтисодиётуниверситети, Ўзбекистон Фанлар Академияси Иқтисодиёт институти, Андижон муҳандислик-иктисодиёт институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий семинарларида муҳокама килинган ва химояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон килинганилиги. Диссертация ишининг асосий мазмуни ва натижалари бўйича жами 45 босма табоқдан иборат бўлган 40 та илмий иш, шу жумладан 2 та монография, 6 та ўкув кўлланма ва 16 та мақола журнallарда ва 16 та тезислар илмий тўпламларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация хажми жами 325 бетдан иборат бўлиб, унда 55 та жадвал, 40 та чизма ва расмлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар келтирилган.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Жаҳон хўжалигида шаклланыётган глобал бозор халқаро маркетинг воситалари мажмугиға ҳам жиддий сифат ўзгаришларини олиб кирди. Бу эса, биринчи навбатда, глобал бозор шароитида маркетинг комплексининг бирламчи таркибий кисми бўлиб қолаётган товар-маҳсулотга тегишилдири. Ушбуни назарда тутиб, гап Ўзбекистон экспортининг товар тузилмасини оптималлаштириш, ракобатбардош ва номенклатураси бўйича тобора диверсификация қилинаётган юксак технологик ва бошқа тармоклароро маҳсулотларни ишлаб чиқариш тўғрисида бормоқда.

Жаҳон хўжалик алоқаларининг глобал тизимга фаол ва мақсадли интеграциялашуви маълум тартибда бозор мулоқотларини юзага чиқиши ва бозор менталитети шаклланиши, шунингдек иктисадиётнинг инновацион жараёнларининг ривожи билан боғлиқ бўлади. Аммо халқаро маркетингнинг мамлакатимиз корхоналари томонидан кўлланилишининг ҳозирги даражасини коникарли дейиш амри маҳолдир. Чунки улар, одатда, кундалик хорижий шартномалар кетидан кувиб, шу билан бирга хорижий бозорларни забт этишнинг узоқ муддатли, фаол ва ҳатто агрессив стратегияларини тадрижий ишлаб чиқишдан йирокдалар. Лекин замонавий жаҳон хўжалигининг ривожланиш шартлари, шунингдек глобаллашув шароитида рақобатнинг кескинлашуви ўзбек маркетинги назариётчилари ва бозордаги аниқ амалиётчилардан халқаро маркетинг хизматининг янги мақсад ва вазифаларини, шунингдек уларга эришиш ва ҳал килишнинг самарали усулларини аниқ ва тушунарли таърифлашни талаб этмоқда.

Бугунги кунда халқаро маркетинг атамаси қўпчилик томонидан ишлатилса-да, илмий адабиётларда миллый маркетинг, экспорт маркетинги ва халқаро маркетинг атамаларига дуч келинади. Гарчи бу атамалар бир жараённинг турлича номланиши бўлиб туюлса-да, аслида уларнинг мазмун ва моҳиятида фарқ мавжуд. Ушбу фаркни тушунтириш учун муаллиф куйидаги тавсифни таклиф этган (1-жадвал).

1-жадвал

Миллый, экспорт ва халқаро маркетингнинг тавсифлари

Таснифий белгилар	Миллый маркетинг	Экспорт маркетинги	Халқаро маркетинг
1. Субъект	Махаллий корхона	Миллый компания	Халқаро компания
2. Объект	Миллый бозор	Халқаро бозор	Жаҳон бозори
3. Ишлаб чиқариш	Мамлакатда жойлашган	Мамлакатда жойлашган	Кисман мамлакатда ва асосан хорижда жойлашиди
4. Бизнес-йўналиши	Махаллий бозорларни эгалаш	Экспорт	Мамлакат ичига ва хорижда ишлаб чиқариш ва сотиш
5. Менеджмент	Махаллий	Миллый	Байналминал

*Манба: Муаллиф ишланмаси.

Жадвалда миллий маркетинг, экспорт маркетинги ва халқаро маркетинг ўзаро узвий боғланган, турли, категориялар хисобланади. Миллий маркетингнинг ўзига хос хусусиятлари асосан унинг бизнес-йўналиши, ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализацияси объектигининг жойлашуви жиҳатлари билан экспорт ва халқаро маркетингдан фарқ киласи.

Бу борада ушбу тизимнинг Ўзбекистонда шаклланишига ўзининг муҳим хиссасини кўшган юртимиз олимларидан А. Бекмурадов: “Маркетинг - ишлаб чиқарувчilar максадларини истеъмолчилар талабига ҳамда бозорнинг маълум бир сегментларига каратилган тизимирид”², - деб таъриф берib, ўз изланишларида маркетингнинг айнан маҳаллий истеъмо: бозори ва корхоналар фаолиятидаги ўрнига катта аҳамият берган. Ушбу изланишлар, муалиф фикрича, мамлакатимизда миллий маркетинг тизимининг ривожланишидаги илк қадамлардан бири бўлган.

Экспорт маркетинги – халқаро маркетингга нисбатан янада тор категория бўлиб, халқаро маркетингнинг бир қисми сифатида кўзга ташланади. Экспорт маркетинги хорижий бозорларда сотилидиган маҳсулотни тайёрлаш ва тижоратчилик ишлаб чиқариш билан банд миллий компаниянинг ишлаб чиқариш ва ташки савдо фаолияти билан боғлиқ. Бироқ *халқаро маркетинг* оид турлича ёндашувлар бу атамани турли вазиятлар нуқтаи-назаридан изоҳлади.

Муалиф томонидан халқаро маркетингга берилган хорижий ва маҳаллий олимларнинг таърифлари ўрганиб чиқилган ва уларни икки гурухга ажратган ҳолда таҳлил этилган. Биринчи гурухга халқаро маркетингга унинг жуғрофий ўрнига кўпроқ ургу берган олимларнинг фикрлари, иккинчи гурухга эса халқаро маркетингга унинг вазифаси нуқтаи-назаридан таъриф берган олимларнинг фикрлари киритилган.

Хорижий мутахассислар Меффер ва Хериберт халқаро маркетингга “корхонанинг ички бозордаги ўрни унинг хориждаги самарали фаолияти таъминлангандағина сакланиб қолишини кўрсатувчи маркетинг”³, - деб таъриф берганлар. Бунда корхонанинг умумий бизнес фаолиятида халқаро бизнес устун тарзда кўйилиб, унинг аҳамияти ички бозордаги ракобатбардошлик билан ташки бозордаги ракобатбардошликтининг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиб кўрсатилади. Стенли Поливоданинг фикрича, халқаро маркетинг – “якуний истеъмолчигача бўлган харид ва савдолар жараёнинг жалб этилган фирмалар ўртасидаги ўзаро муносабат тармоғидир”⁴. Ушбу фикр ҳам ниҳоятда ўзига хос мазмунга эга бўлиб, халқаро ракобат ва ҳамкорлик муносабатларини биринчи ўринга кўймокда. Л.Берековин халқаро маркетингни “бир мамлакатдагина эмас, балки кўпгина мамлакатларда бир вактнинг ўзида амалга ошириладиган маркетинг фаолияти” сифатида кўриб чиқади⁵. Бунда асосий эътибор маркетинг фаолиятининг жуғрофий нуқтаи назардан амалга оширилишига каратилганлигини кўриш мумкин.

² Бекмурадов А. Эффективность маркетинга средств производства (на материалах сельхозмашиностроения РУз.): Автореф.дис.док. экон. наук. - Т.: ТГЭУ, 1994 г., с.9.

³ Meffert, Heribert. "Strategische Unternehmensfuehrung und Marketing" Wiesbaden, 1998, pp. 267-268.

⁴ Palivoda, S. "International Marketing", 2nd ed. Butterworth-Heinemann Ltd., Oxford, I., Boston, 1993, p.16.

⁵ Berekoven L. Internationales Marketing. -Berlin, 1995, p. 35.


Шу билан бирга маҳаллий олимлардан М. Болтабоевнинг илмий ишида халқаро маркетинг методологик ва амалий ёндашувлар жиҳатидан кўрилмаган бўлсала, халқаро маркетингта қуйидагича, яъни “Халқаро маркетинг - бу жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, халқаро меҳнат тақсимотининг чукурлашуви, ракобатнинг кескинлашуви ҳамда ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви шароитида корхона учун мақсадли бозорни эгаллаш бўлиб, унинг асосий мезонида хорижий истеъмолчилар манфаатларини тўла қондириш учун корхонанинг ички ишлаб чиқариш имкониятларини мақсадли бозор талабига мослаштириш асосида юксак даромадлар мөъёрига эришиш тушунилади”⁶ – деб, илмий адабиётлардаги мавжуд таърифларни мужассамлаштирган ҳолда таъриф беришга уринганлиги ҳам дикқатга сазовордир.

Тадқиқотда юқорида келтирилган халқаро маркетинг таърифлари турли хил нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда қиёсий баҳолангандан ва илмий асосланган. Муаллиф уларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур идрок этган ҳолда халқаро маркетинг – “Халқаро бозорларда фаолият юритаётган корхоналарнинг рақобат устунилигини қўлга киритиш учун бизнес омилларидан самарали фойдаланиш бўйича қўллайдиган ҳатти-ҳаракатларининг ишингидисидир” – деб таърифлайди. Чунки ракобат устунилиги маркетинг фаолиятининг турли жабҳаларини бир-бiri билан боғлаб берувчи асосий устун хисобланади. Маркетинг фаолиятида амалга ошириладиган ҳамма ҳатти-ҳаракатлар якуний натижа сифатида ракобат кўрсаткичининг ўзгариши билан баҳоланади. Шунингдек, айнан глобаллашув жараёнида ушбу кўрсаткич тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Жаҳон бозорининг деярли барча секторларидағи буғунги ҳолатига аввало қайта ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш тенденцияси хос бўлиб, бу шусиз ҳам кескин бўлган рақобат мухитини янада кучайтирумокда. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ўсиб бораётган халқаро ракобат шароитларида давлатнинг самарали фаолият кўрсата олиш қобилияти аввало устунликлар билан инновациялардан фойдаланиш, интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш, ҳаридорлар преференцияларини эгаллаш учун ностандарт маркетинг ечимларини фаол қўллаш имкониятлари билан таъминланади. Айни пайтда мамлакатнинг асосий ишлаб чиқариш омилларига эгалигини тавсифловчи қиёсий устунликларнинг аҳамияти эса мунтазам пасайиб бормоқда. Жаҳон хўжалик тизими ривожланишининг буғунги босқичидаги глобал тенденция миллий иқтисодиётларнинг очиқлик ва шаклланаётган умумбашарий бозорларга йўналганлик стратегиясидан иборат эканлиги бежиз эмас.

Ўзбекистонда режали иқтисодиёт даврида макро маркетинг тизими умуман яратилмаган эди. Шунинг учун буғунги кунда мамлакатимизда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш услубиётини чукурлаштириш ва амалиётга тадбик этиш макро маркетинг тизимини яратишнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу тизимнинг таркибий тузилишини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин (1-расм):

⁶ Болтабоев М. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси.. Икт. фан. док. дисс. автореф. Т.: ТДИУ. 2005, 10 б.



1-расм. Бозорга йўналтирилган макро маркетинг тизимининг модели*

*Манба: Муаллиф ишланмаси.

Жаҳон миқёсида кичик иқтисодиётга эга бўлган Ўзбекистон учун экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш истиқболли иқтисодий тараққиёт модели сифатида эътироф этилмоқда. Бу эса мамлакат макро маркетинг мажмуаси таркибида салмоқли халқаро маркетинг тизимини шакллантиришин тақозо этади. Тадқикотчи фикрича, Ўзбекистон шароитида халқаро маркетинг тизими функцияларига кўра қўйидаги таркибга эга бўлиши керак (2-расм):

Халқаро бозорларни ўрганиш ва таҳлил қилиш	
Бозорларни классификациялаш	Маркет скрининг
Логистика тизими	
Омбор хўжалиги	Юклаш ва ташиш
Харидорлар билан алоқа ўрнатиш ва экспортни рағбатлантириш	
Кўргазма ва ярмаркалар	Экспортни сугурталаш ва молиялаштириш

2-расм. Макро маркетинг тизимида халқаро маркетинг ва унинг функциялари*

*Манба: Муаллиф ишланмаси.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик тизимида муносиб ўрин эталлаши, ташки бозорларда хозирги вактда технологик жихатдан ривожланган давлатлар эгаллаб турган товарлар соҳаларида рақобатчилик кила оладиган мамлакат сифатида ўз позициясини эгаллаши асосий муаммолардан биридир.

Юзага келган вазиятда тайёр маҳсулотларни экспорт килувчи корхоналарнинг ташки бозорларга чиқиш борасидаги янги маркетинг стратегияси ҳисобига ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Бундай стратегиянинг мантикий ва методологик негизи қуйидагича парадигмага асосланади: аниқ бир минтақанинг иктисодиёти – якка бир объект эмас, балки вертикал (марказ – минтақа) ва горизонтал (минтақалараро) ўзаро баҳамжихат харакатлар асосида фаолият кўрсатадиган ва жаҳон хўжалик алоқалари тизимиға кирадиган мураккаб организмидир. Шу билан бирга жаҳон иктисодиёти тараккиётининг янгича шарт-шароитлари корхона ва компаниялар фаолиятини бозор шароитларига кўнигириш ва ташки мухитнинг мунтазам равишида ўзгариб турадиган шарт-шароитлари ва рақобатчилик бўйича янги имкониятларнинг изланишига боғлик бўлган зарурий йўналишда қайта тузишга қаратилган узок муддатли маркетинг стратегиясининг ишлаб чиқилишини талаб қилмоқда.


Мамлакат иктисодиётида қарор топган вазият таҳлили иккита ғоят мухим жиҳатни ҳисобга олиш зарурлигини назарда тутади. Биринчидан, ҳозирги шароитда мамлакатлар, кўп миллатли ва трансмиллий компаниялар ўртасидаги рақобатчилик курашининг кескинлашганлиги маҳаллий экспорт корхоналарида кўлланаётган айрим тарқоқ усуллардан хорижий бозорларга чиқиш бўйича халқаро маркетинг концепциясига асосланиш зарурлигини такозо этмоқда. Иккинчидан, илмий-техник кооперация ва фирмалараро алоқалар мамлакатдаги компанияларнинг шартномали ҳамкорликнинг комплекс шаклларида иштирокининг фаоллашуви асосида йирик трансмиллий корпоратив тузилмаларни ташкил этишга эҳтиёж туғдирмоқда. Бу борада муаллиф маркетинг мутахассисларининг халқаро маркетинг методологияси ва методикасига оид изланишларини ўрганган ҳолда қуйидаги муаммоларни халқаро маркетинг фанида методологик ечимга муҳтоҷ деб ҳисоблади:

- халқаро бозорларни халқаро маркетинг нуқтаси назаридан классификациялаш;
- экспортёр корхоналар ҳамда ташқи савдо компаниялари учун халқаро маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши;
- халқаро бозорларга кириш усулларининг мақбулини танлаш ёки яратиши;
- халқаро маркетинг жаҳон тизими билан алоқани ўрнатиши;
- Ўзбекистон шароитида глобал маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини излаш.

Халқаро маркетинг методикаси Ғарб мамләктларида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш техникаси жуда юқори савиядалиги туфайли кенг камровли ва ўта илғор ҳисобланади. Лекин ушбу мавзуга оид илмий изланишларда Ўзбекистонда халқаро маркетинг методикаси эндиғина шаклланиб келаётгани ва бу борада жуда кўп илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурлиги аниқланди. Ушбу жиҳатдан, фикримизча, қуйидаги муаммолар Ўзбекистондаги халқаро маркетинг методикасида чуқур ўрганилмасдан колмоқда:

- халқаро бозорларнинг маркет скрининги;
- халқаро маркетинг аудити;
- экспортёр корхоналарнинг халқаро интеграциялашуви, экспортнинг самарадорлигига транспорт харажатларининг таъсирини баҳолаи.

Кўрсатиб ўтилган халкаро маркетингнинг методологик ва методик муаммоларини диссертация ишида ўрганиш Ўзбекистонда халкаро маркетинг фанининг илмий-назарий жихатдан янада ривожланишига туртки беради ҳамда янги маълумотлар билан бойитади. Шунинг асосида муаллиф Ўзбекистонда халкаро маркетинг марказларини бир бутун тармоклар мажмуйи сифатида ташкил этиш ва ривожлантириш архитектурасини таклиф килишни ниҳоятда муҳим деб хисоблади (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон халкаро маркетинг марказлари тизими архитектураси*

*Манба: Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Тадқиқотлар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, ҳозирги даврда ривожланган давлатларнинг компаниялари экспорт бозорларига кириш учун анъанавий учта стратегияни қўллайдилар ва айнан ушбу стратегиялар жаҳон бозорида маҳсулот сотадиган корхоналар фаолиятининг жуғрофий миёсига боғлик ҳолда тавсифланади. *Кристофер Барлетт ва Сумантра Чошал* изланишлари⁷ натижасига кўра, ўзининг фаолиятини халкаро маркетинг нуктаи назаридан уч категория: глобал экспорт, халқаро экспорт ва, ниҳоят, мультидоместик экспорт стратегиясини қўлловчи корхоналарга бўлиш мумкин.

Амалиёт шуни кўрсатадики, маҳаллий экспортёр компаниялар халкаро миёсга чиқаётганида ушбу учта экспорт стратегиясидан бирини танлаши керак бўлади. Стратегияни танлаш эса уларнинг фаолият турини кандай ташкил этишга бўладиган таъсирига ҳамда экспортдан оладиган фойдасини кай йўл билан кўпайтира олиш имкониятига боғлик бўлади. Бу борада ушбу

⁷ Charles W.L.Hill International business. Computing in the global Marketplace. IRWIN. USA. 1994, p 23.

стратегиялар муаллиф томонидан чуқур таҳлил этилиб, қўлланилиши мумкин бўлган экспорт стратегиялар турлари уларнинг афзаликлари хамда нокулайликлари нуткаи назаридан тавсифлаб берилди (2-жадвал).

2-жадвал.

Экспорт стратегиясининг турлари ва фарқланиши*

Экспорт стратегиялари турлари	Афзалиги	Нокулайлиги
Глобал экспорт стратегияси	Малака эгри чизиги ва маҳаллийлаштириш самарасида тежамкорликка эришиш	Маҳаллий жавобгарликнинг этишмаслиги
Халқаро экспорт стратегияси	Компаниянинг янги маҳсулот яратиши ва унга оид маҳсус билимларни маҳаллий филиалларга бериши	Чекланган маҳаллий жавобгарлик
Мультидоместик экспорт стратегияси	Маҳсулотга маҳаллий жавобгарлик	Билим ва маҳсулотнинг чекланган трансферти

*Манба: Муаллиф ишланмаси

Ишда муаллиф томонидан экспорт стратегияларини тавсифловчи белгилар чуқур таҳлил этилиб, бугунги кун шароитидан келиб чиқсан ҳолда, мамлакатимиз компания ва корхоналари экспорт фаолиятини ривожлантиришда айнан **халқаро ва глобал экспорт стратегияларини** қўллаши мақсадга мувофиқ, деган фикр илгари сурилган. Чунки глобал стратегияни қўлловчи компаниилар ўзининг фойдасини маҳсулот **таннархини камайтириши** орқали кўпайтирадилар. Таннархни камайтиришга эса малака эгри чизиги ёки маҳаллийлаштириш самараси туфайли эришадилар. **Халқаро экспорт стратегиясini** қўлловчи компаниилар ўзларининг маҳсус билими ва маҳсулот ишлаб чиқариши бўйича ракобат устунлигини қўллаш орқали фойда оладилар. Бунинг учун одатда улар илмий тадқикотлар ва конструкторлик изланишлар (R&D) жараёнини ўзларининг бош офиси жойлашган мамлакатда жамлаб, ишлаб чиқариш ва маркетинг жараёнини маҳсулот сотиладиган бозорларда амалга оширадилар.

Тадқикотда маҳаллий, хусусан, пахта толаси ва текстил маҳсулотларини халқаро бозорларга йўналтирувчи компанииларга юқорида таҳлил этиб ўтилган стратегиялардан самарали фойдаланиш имкониятлари очиб берилган. Хусусан, стратегия танлашда уларнинг фаолият турини қандай ташкил этишлари хамда кай йўл билан экспорт орқали оладиган фойдаларини кўпайтира олиш имкониятларига ургу берилган.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик муносабатлари тизимиға қандай кириб бориши ўзининг иқтисодий ривожи учун ташки иқтисодий омиллардан канчалик самарали фойдалана олишига боғлиқдир. Бу борада мақсадли экспорт бозорларини ва фаолиятнинг устувор йўналишларини сегментлаш орқали аниклаб олиш ташки савдо компанияларини хамда экспортёр корхоналар халқаро фаолиятида етакчи аҳамият касб этади, чунки ташки иқтисодий фаолият айнан шу нуткадан бошланиб, келгусида ривожланади.

Шу боис, айнан интеграциялашув жараёнлари (Piercy and Morgan назарияларига биноан) халқаро бозорларни *макро ва микро сегментлашда даражалар* услубини қўллашни тақозо этмоқда. Бунда конкрет бозорни мақсадли позициялаш нуткай назаридан сегментлаш кўзда тутилиб, экспортга йўналтирилган маҳсулотнинг самарали ҳаракатини таъминлашда стратегик бошқарув ва операцион сегментлаш усулларини қўллаш ҳам мухимdir. Сегментациялашга даражалар бўйича ёндашувнинг мантики шундан иборатки, бунда *стратегик сегментация* -- компания раҳбариятининг бозордаги аниқ миссиясига ва маҳсулот турига таянган ҳолда сегментацияни амалга оширишни, бошқарув сегментацияси – персонал, ассигнациялар ва ресурсларни тақсимлаш билан боғлиқ бозор мақсадларини аниклашни, *операцион сегментация* эса – илгари суриш каналлари ва коммуникацион маркетинг тармогида фаолият юритишни ва улар заминида мақсадли бозорларни егаллашга эришишни кўзда тутади.

Таҳлиллар жараёнида муаллиф томонидан ушбу сегментация турлари қаторига яна бир сегментация даражаси - “*минтақавий сегментни*”- тадқик этиш лойиҳаси таклиф этилиб, у мамлакатлар бўйича стратегик сегментларга ажратишни тақозо этади. Муаллиф сегментация даражасини икки босқичга бўлиб ўрганишни, яъни унинг асосий ва оралиқ сегментлар турларини таҳлил этишни кўзда тутади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатлар бўйича мақсадли сегментларга ажратишда ҳамда маҳсулотлар турлари бўйича стратегик сегментларни танлашда ўзига хос услугий ёндашувни талаб килади.

Ушбу сегментация турлари ўз навбатида конкрет бозорга нисбатан маркетинг стратегиясини ва рақобатли позициялашни ишлаб чиқиша ҳамда сегментация натижасига асосланган стратегияларни жорий этиш йўлидаги мавжуд муаммоларни тушунища катта аҳамият қасб этади. Бундан ташқари, ҳар хил мамлакатларда маҳсулотни бозорнинг турли сегментларига мансуб харидорларга сотиш мумкин бўлиб, бу коммуникация ва товар ҳаракати стратегияларидаги ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Диссертация ишида АҚШлик маркетологлар И.Аял ва Ж.Зиф томонидан фанга киритилган⁸ *диверсификация ва марказлашув* стратегиялари чукур таҳлил қилинди. Маълумки, корхоналар экспорт маҳсулотлари сотиладиган бозорларни жуғрофий жиҳатдан кенгайтиришга ҳаракат қиласидилар. Экспорт бозорларини диверсификациялашга қарама-карши стратегия бўлиб “фокус” ёки фаолиятни бир нечта бозорда жамлаш ёки “*марказлашув*” стратегияси хисобланади.

Муаллиф мазкур стратегиялар кўрсаткичларининг аниқ мазмунга эга эканлигини хисобга олган ҳолда экспорт бозорларида корхоналар фаолиятини диверсификациялаш ва марказлаштиришни Ўзбекистон шароитида экспортёр корхоналар учун яна қўшимча бешта кўрсаткич билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ деб хисоблайди (3-жадвал).

⁸ I.Ayal and J. Zif. “Marketing Expansion in Multinational Marketing // Journal of Marketing. Volume 43. Spring 1979. p 89.

Диверсификация ва марказлашув стратегияларини асословчи кўрсаткичлар*

№	Махсулотнинг бозордаги тавсифи	Диверсификация мумкин, агар:	Марказлашув мумкин, агар:
1	Сотув ҳажми динамикаси	Пасаётган	Ўсаётган
2	Хар бир бозордаги сотув ҳажмининг ўсиш суръатлари	Паст	Юкори
3	Хар бир бозордаги сотув ҳажмининг баркарорлиги	Паст	Юкори
4	Ракобатчилардан ўзиб кетиш позицияси	Сезиларсиз	Сезиларли
5	Махсулот билан иштеймолчиларни танишириш самараси	Сезиларли	Сезиларсиз
6	Махсулотни бозорга мослаштиришга эхтиёж	Юкори	Паст
7	Коммуникацияларни мослаштиришга эхтиёж	Паст	Юкори
8	Тарқатиш тармогидаги миқёс самараси	Сезиларсиз	Сезиларли
9	Экспансия ластурини назорат қилишга эхтиёж	Паст	Юкори
10	Чеклашлар сони	Сезиларсиз	Сезиларли

*Манба: Стратегия диверсификации или концентрации деятельности. Международный бизнес. Дело. Лтд. М.1994. с. 523-524.

Янги қўшимча таклиф этилаётган кўрсаткичлар*

11	Тўлов қобилияти	Яхши	Ёмон
12	Нотариф тўсиклар	Оз ёки йўқ	Кўп
13	Импорт тарифлари устамаси	Паст	Юкори
14	Иштеймол бозорлари ўртасидаги масофа	Яқин	Узоқ
15	Транспорт харажатлари	Паст	Юкори

*Манба: Муаллиф томонидан таклиф этилаётган кўрсаткичлар ишланмаси.

Таклиф этилаётган биринчи қўшимча *тўлов қобилияти* кўрсаткичининг киритилиши Ўзбекистон экспортёр корхоналарининг ташки савдо ҳамкорларининг талаб ва иштеймол имконияти билан боғлик. Линдерт томонидан яратилган халқаро савдонинг “мос келувчи талаб” назариясига кўра, дунё мамлакатлари ўртасида савдо оқимларининг ҳажми ва йўналишига ахоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад микдори катта таъсир кўрсатади. Маълумки, тарақкий этган давлатлар ўзаро асосан тайёр маҳсулот савдосини ривожлантирадилар, ривожланаётган давлатлардан эса кўпроқ ҳомашё сотиб оладилар. Худди шу жараён ривожланаётган давлатларга ҳам тегишли бўлиб, улар ўзларининг тайёр маҳсулотларини кўпроқ иштеймол килиб, ривожланган давлатларга эса ҳомашё сотадилар. Айнан мамлакат ташки савдо ҳамкорларининг ривожланаётган давлатларда кўпроқ жамланиши мамлакат экспортида тўловсизлик муаммосини келтириб чикаради. Бу муаммо импортёр мамлакат олтин валюта захирасининг озлиги ва миллий валютасининг конвертация қилинмаслиги билан боғлик бўлади. Ўз навбатида юкорида келтирилган бошка барча кўрсаткичлар бўйича ташки бозорда диверсификация учун шароит қулагай бўлган тақдирда ҳам тўловсизлик қобилияти туфайли бу стратегия талабга жавоб бермаслиги мумкин. Бу эса марказлашув стратегиясини кўллашуга туртки бўлади.

Иккинчи ва учинчи қўшимча кўрсаткичлар *импорт божлари ва нотариф тўсиклар* билан боғлик. Импорт божлари юкори бўлса, янги бозорга кириб

бориш қийинлашади ёки умуман мумкин бўлмайди, бу эса диверсификация стратегиясини чеклаб кўяди. Нотариф тўсиклар маҳсулотнинг бозорга кириб келишини қийинлаштиради ва у ҳам диверсификация жараёнининг ривожланишига йўл кўймайди. Ўзбекистон Республикаси шароитида экспортёр корхоналар учун ушбу кўрсаткичларнинг киритилиши мамлакатимизнинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо эмаслиги билан боғлик. Чунки икки томонлама шартнома имзоламаган мамлакатлар импорт товарга нисбатан ҳоҳлаган турдаги нотариф тўсиқни ёки тариф устамасини ўрнатиши мумкин. Бу эса ўзлаштирилиши кўзда тутилаётган бозор жойлашган мамлакат билан ўргада икки томонлама савдо-сотик алоқаларига оид шартнома мавжудлиги ва унинг шартларини ҳам диверсификация ва марказлашув жараёнларига алоқадор ёки аҳамиятга эга омил сифатида қарааш кераклигини англатади.

Тўртинчи кўшимча кўрсаткич - *истеъмол бозорлари ўртасидаги масофа* бўлиб, у мамлакатимизнинг аниқ жуғрофий жойлашуви билан боғлик. Ўзбекистон корхоналари очиқ денгиз портларига чикиш учун камида иккита давлат ҳудудини, айrim йўналишларда эса 3-4 та давлат ҳудудини босиб ўтиши шартлигини ҳисобга олсан, транспорт харажатлари марказлашув стратегиясини кўллашни иқтисодий жиҳатдан оқлади. Лекин экспорт бозорлари бир минтақада жойлашган бўлса, ушбу минтақа доирасида диверсификация стратегиясини кўллаш ҳам мумкин бўлади.

Бешинчи кўшимча кўрсаткич - *транспорт харажатлари* бўлиб, товар ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи мамлакатлар ўртасида транспорт харажатлари баъзан транзит божлари устамасига ҳам боғлик бўлади. Ўз навбатида, транзит божлари юкори бўлиб, марказлашув паст бўлса, диверсификация стратегияларини кўллашга шароит яратилади.

Муаллиф таъкидлашича, кўшимча киритилган тўртинчи ва бешинчи кўрсаткичларга алоҳида тўхталиш лозим. Чунки факат сотув ҳажмидан келиб чиқиб экспорт бозорларини диверсификациялаш - масаланинг бир томони бўлиб қолади, холос. Масаланинг иккинчи томони эса экспорт бозорларини диверсификациялашга бозордаги талаб ва таклиф, бозор ҳажми ва транспорт харажатларидан келиб чиқадиган таъсир ҳисобланиб, у ўрганилмасдан қолиб келмоқда. Бу муаммо ташки бозорларни ўзлаштириш билан бевосита боғлик бўлиб, у мамлакат саноат ишлаб чиқаришини жойлашувига таъсир этиш орқали миллый иқтисодиётни таракқиётiga кучли таъсир қиласди.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви мамлакатлар ўртасида капитал, ишчи кучи ҳаракатини кучайтириб, миллый хўжаликлар учун иқтисодий ва ижтимоий таракқиётни тезлаштиришга янгидан-янги имкониятлар яратиб бермоқда. Шу билан бирга, глобаллашув жараёни миллий хўжаликларнинг очиқлик даражасини кучайтиради, бу эса уларга янги қийинчилклар ва муаммоларни келтириб чиқаради. Уларнинг ичida энг мураккаби - халқаро миқёсда миллый ишлаб чиқаришини рақобатбардошлигини таъминлаш ҳисобланади.

Муаллиф фикрича, халқаро миқёсда Ўзбекистон корхоналари рақобатбардошлигини таъминлашда иккита жиддий муаммо бор. Буларга - инвестициялар иқтисодий самарадорлик даражасининг бошқа мамлакатларга

нисбатан анча пастлиги ҳамда ташқи бозорларда экспортёр корхоналар ракобат стратегиясини таъминлаш учун зарур ҳалқаро маркетинг инфратузилмасининг этишмаслигини киритиш мумкин.

Иктисодий илмий адабиётларда ҳалқаро ракобат кўпроқ нарх, сифат омиллари бўйича тавсифланади. Лекин бугунги кунда ракобат устунлигини таъминлашда тўғри танланган маркетинг стратегиясининг роли ҳам ниҳоятда кучли. Ўзбекистон иктисодиётининг ҳозирги даврдаги ракобатбардошлиги эса асосан нарх омили бўйича таъминланмокда. Бунда ички бозорда иш хақи ва хомашё нархининг жаҳон бозори нархларига нисбатан анча пастлиги ишлаб чиқариш таннархини паст даражада бўлишини таъминлаб бермоқда.

Ўзбекистонлик олимлар Т.Ахмедов ва В.Батурина ўз тадқикотларида 2000/2002-йилларда мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ракобатбардошлигини уч кўрсаткич бўйича баҳолаганлар: маҳсулотнинг ракобатдардошлиқ индекси, экспортнинг самарадорлик индекси ва нарх омили бўйича экспортнинг киёсий устунлик индекси.⁹ Улар ўз гизланишларида экспорт рентабеллиги индексини экспортдан олинган фойдани улгуржи сотув нархларига нисбати сифатида олишган бўлиб, экспорт рентабеллигига юкни етказиб бериш ҳаражатлари ва импорт божлари таъсирини эътиборга олишмаган. Агар экспорт нархи билан улгуржи сотув нархи битта нарх сифатида кабул қилинса, импортёр маҳсулотни Ўзбекистондан ўзи олиб чиқиб кетгандагина юқорида келтирилган усулдан фойдаланиш мумкин бўлади. Шунингдек, ракобатбардошлиқ индексини ҳисоблаш учун экспорт нархи асос килиб олинадиган бўлса, экспортнинг нарх бўйича қиёсий устунлик индексини ҳам экспорт нархи бўйича ҳисоблаш тўғри бўлади. Бунда қиёсий устунликни жаҳон бозори нархларига қараб эмас, ҳар бир экспорт бозоридаги ракобатчиларнинг нархига нисбатан таққослаш янада тўғри бўлади, чунки турли мамлакатлар бозоридаги нарх бир хил бўлмайди. Бу фикрни Т.Ахмедов ва В.Батуриналарнинг методологик ёндашувига ўзгартришлар киритган ҳолда куйидагича ифодалаш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Ракобатбардошлиқ индекси мезонлари*

Маҳсулотнинг ракобатбардошилк индекси:	Экспортнинг самарадорлик индекси:	Экспортнинг нарх омили бўйича қиёсий устунлик индекси:
Ір – ракобатбардошлиқ индекси; $I_{\text{р}} = H_3/H_2 \leq 1$; Нэ – экспорт нархи; Нж – жаҳон бозори нархи.	$I_{\text{с}} = I_{\text{р}}/X_3 > 1$; Фэ – экспортдан олинадиган фойда; Хэ-экспортнинг ялпи ҳаражатлари.	Інку = нарх бўйича қиёсий устунлик индекси; Інку = $H_3/H_{\text{хбр}} \leq 1$; Нэ – экспорт нархи; Нхбр – хорижий бозордаги ракобатчилар нархи.

*Манба: Т. Ахмедов ва В.Батуриналарнинг методологик ёндашувлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқиленган. Изоҳ: Ракобатбардошлиқ индекси экспорт бозоридаги ракобатчиларнинг нархига нисбатан таққослаш кўрсаткичларни сифатида белгиланган.

Ракобатбардошлиқнинг ўртача даражасини 10 % дан 100 % гача деб белгилаш муаллифнинг назаридаги жуда катта әралик ҳисобланади.

⁹ Ахмедов Т. Батурина В. Конкурентоспособность продукции промышленного комплекса Узбекистана. // Экономический вестник Узбекистана. № 8-9, 2003, с.2-4.

Ўзбекистонда миљлий валюта курсининг АҚШ доллариға нисбатан 1996-2000 йилларда кескин девальвация килиниши валюта курси бўйича ракобатбардошлиқни таъминлашга имкон берди. Лекин келажакда валюта курси омили бўйича ракобатбардошлиқни таъминлаш чексиз давом эта олмайди. Чунончи, 2002-йилдан бошлаб валюта курсининг нисбатан баркарорлашуви ушбу омилга кўра устунлик имкониятини чеклади. Демак, Ўзбекистондаги пахта ва текстил соҳасидаги ишлаб чиқарувчилар учун нафақат сифат, шунингдек нарх омили ва маркетинг стратегияси бўйича ракобатбардошлиқни таъминлаш вазифаси биринчи ўринда туради.

Гарчи кўпгина олим ва мутахассисларнинг пахта ва текстил маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотиш жараёнларига багишланган изланишлари мавжуд бўлсада, бугунги кунда ушбу мавзунинг ҳали ҳам ўга долзарблиги ва бу борада изланишлар доирасини борган сари кенгайтириш зарурлиги давр талабига айланмокда. Тадқиқотда кўрилган масалалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини шунингдек охирги йиллар давомида мустақил фаолиятини йўлга қўйган ва бир қатор ютуқларга эришаётган халқаро пахта ва текстил ярмаркалари фаолиятидан ҳам кўриш мумкин.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2005-2006 йиллар мобайнида ўтказилган халқаро пахта ярмаркаси натижалари бўйича дунёнинг 30 га яқин давлатларнинг хорижий компаниялари билан 200 дан ортиқ шартномалар тузилган бўлса, 2007 йил 4-6 декабр ойларида ўтказилган халқаро текстил маҳсулотлари ярмаркаси якунлари бўйича хорижий компаниялар билан 405 млн.АҚШ доллари микдорида 190 дан ортиқ шартномалар имзолангандилиги таъкидланди.

Экспорт товарлари тузилмасининг кейинги йиллардаги динамикаси шуни кўрсатадики, пахта толаси ҳали ҳам хомашё товарлари экспортининг асосий улушини ташкил қиласди. Бунда пахта толаси улуси 2006 йилда 2000 йилдагига нисбатан пасайиб, 17,1%-ни ташкил этган бўлса ҳам шубҳасиз, бу кўрсаткич ҳали юқоридир. Шу билан бирга таҳлиллар кўрсатишича, экспортнинг хомашё қисмидан тўлиқ воз кечиш мумкин эмас, чунки бир қатор мамлакатларнинг бозорлари Ўзбекистон учун факт ҳомашё ресурслари экспорти учунгина очик бўлиб, уларнинг талабини тайёр маҳсулот экспортига бир неча йиллар давомида аста-секин мослаштириб боришга тўғри келади.

Глобал иктисадий тизимда кейинги йиллар давомида юз бераётган тузилмавий ўзгаришлар жаҳон пахта саноатига ҳам тегишли бўлди. Агар 2002 йилга қадар Ўзбекистон пахта толаси сотиладиган анъанавий бозорларни Европа мамлакатлари (62% га яқин), Россия ва МДҲга аъзо бўлган мамлакатлар (23%), Корея Республикаси ва Осиёдаги бошқа мамлакатлар (15%) ташкил килиб келган бўлса, 2005-2006 йиллар мавсумида ўзбек пахтаси экспорти жуғрофияси Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари (77%), Европа мамлакатлари (15,8%), МДҲга аъзо бўлган мамлакатлар (6,9%) томонига ўзгарди.

Шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги 4 йил ичida Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг Ўзбекистон пахта экспорти умумий ҳажмидаги улуси деярли 4 мартаға ошди. Хитойнинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши, Европа Иттифоки мамлакатларида текстил тармоғида ишлаб

чиқаришнинг пасайиши ва Жануби-Шаркий Осиё мамлакатларида текстил секторининг жадал ривожланиши, ривожланган мамлакатларда пахтани қайта ишлаш қийматининг юкорилиги, текстил маҳсулотларига импорт квоталарининг бекор килингандаги жаҳондаги пахтани қайта ишлаш марказларининг АҚШ ва Европадан Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Вьетнам ва Жануби-Шаркий Осиёдаги бошқа мамлакатлар томонига ўзгаришининг асосий омиллари бўлди.

Ўзбекистонда пахта ва текстил маҳсулотлари *халқаро ярмаркаларининг* ўтказилиши бевосита олди-сотидиларни ташкил этиш ва кўплаб мамлакатларнинг пахтачилик ва текстил саноати вакиллари билан узок муддатли битимларни тузиш ҳисобига етказиб беришлар жуғрофиясини кенгайтириш ва, пировард натижада, Ўзбекистон пахтасининг жаҳон бозоридаги имиджини ва рақобатбардошлигини янада оширишга ёрдам берди. Бироқ Ўзбекистон иқтисодиётининг интенсив ривожланиши пахтанинг мамлакат ичкарисида қайта ишланишини ўстириш ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш зарурлигини тақозо этмоқда. Шу билан бирга, тайёр текстил маҳсулотларининг экспорти яқин йиллар ичida жаҳон бозорларидаги юксак рақобатчилик каби жиддий муаммога дуч келади.


Муаллиф назарида, тармоқдаги ушбу ва бошқа кўшлаб мавжуд муаммоларнинг ечимини, биринчидан, маҳсулот ишлаб чиқарилишини мамлакат миқёсида алоҳида *тармоқ кластери* миқёсида ажратиш, иккинчидан, ЕврОсиёИХ доирасидаги минтақавий хамкорликни чуқурлаштириш билан ўзаро фойдали ишлаб чиқариш интеграцияси ва кооперациянинг реал имкониятларини ишга солиш орқали топиш мумкин.

Бу борада тармоқ кластерини шакллантиришнинг асосий ғояси пировард маҳсулотни ишлаб чиқариш учун хомашёни тайёрлаш ва йигиб олишдан тортиб, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни жаҳон бозорларига олиб чиқишигача бўлган барча зарур инфратузилмани яратишдан иборат. Бу комплекс иккита катта салмокли йўналишни: бир томондан, ишлаб чиқариш, бошқа томондан, сотиш бозорларини ўзлаштиришга доир маркетинг стратегиясини ўз ичига олади. Бу йўналишда тайёр маҳсулотларни сотиш бўйича тармоқ ва алоҳида корхоналар даражасидаги уч даражали маркетинг инфратузилмасини яратиш давлатнинг бевосита иштирокида амалга оширилиши керак. Бунинг учун:

- 1) Кластер бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашни шакллантириши;
- 2) "Пахта ва пахта маҳсулотлари тўгрисида"ги қонун лойиҳасини мұхокамага қўйиш билан бөглиқ масалаларни ҳал этиши;
- 3) Эркин савдо ва иқтисодий зоналар ҳамда технопарк ташкил қилиши масалаларини ҳал этиш зарурdir.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиккан ҳолда ушбу кластер мажмуасида фаолият юритиши мўлжалланган пахта толасини қайта ишлашдан тортиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар технологик занжири маҳсус ажратилган ва ташкил этилган эркин иқтисодий худудда жойлаштирилиши зарур. Мажмуани транспорт коммуникациялари нуткай назаридан қўлай, аҳоли ва ишчи кучи зич жойлашган 200-250 гектарли

чегаравий худудда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Гояни инновацион дастур сифатида илгари суриб, маҳаллий инвесторлар билан бир қаторда хорижий инвесторлар, текстил соҳасидаги ТМКлар ва жаҳон брендларини ҳам жалб этиш имкониятини яратиш мумкин. Ушбу мажмуага кайта ишлаш, йигирив, бўёқ, тикувчилик соҳасида 10-15 та корхона киритилиб, улар камида 5-10 йил мобайнида ер ва корпоратив солигидан ҳамда мулк, КҚС ва бошқа кўшимча соликлардан озод килиниши ҳамда бож турлари бўйича имтиёзларга эга бўлиши зарур. Шунингдек, таклиф этилаётган дастур бўйича инвестициялар киритилиш мuddati 5-10 йилга мўлжалланган бўлиб, трикотаж ва тикувчилик соҳаси юқори рентабелли бўлгани сабабли 2-3 йилда, кайта ишловчи соҳаси эса 4-5 йилда киритилган инвестициялар миқдорини оқлади. Бу борада умумий кластер ёндашуви негизида ривожланишнинг тармоқ стратегиясини ва умумий структурасини ишлаб чиқиши зарур (5-расм).



5-расм. Пахта ва текстил маҳсулотлари бозори иштирокчилари инфратузилмаси кластери*

*Манба: Муаллиф ишланмаси.

Пахтачилик-текстил кластерининг асосий гоёси - пировард маҳсулотни ишлаб чиқариш учун хомашёни тайёрлаш ва териб олишдан тортиб, маҳсулотларни жаҳон бозорларига олиб чиқиш ҳамда зарур инфратузилмани яратишдан иборат бўлиб, келажакда тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришга Ўзбекистоннинг *Марказий Осиё давлатлари ва Россия* билан анъанавий шерикчилик муносабатларини кенгайтириш ва янада ривожлантиришга ҳамда ЕврОсиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида кабул қилинган кулай шароитлардан тўла фойдаланиш учун муҳим туртки бўлади.

Глобаллашув жараёнидаги яна бир мустаҳкам қадам бу – ЕврОсиё минтакасида ягона “Халқаро пахта ва текстил биржаси”ни мамлакатимиз

худудида ташкил этиш ғояснни илгари суринадир. Пахта толаси билан савдо килувчи биржа ташкил этиш фикри аввал ҳам мамлакатимиз олим ва мутахассислари томонидан таъкидланган бўлишига қарамасдан муаллиф унинг жорий этиш механизмини пахта ва текстил маҳсулотлари кластери технологик занжири доирасила йўлга кўйишни ва ушбу мажмуалар фаолиятини ривожлантириш мухимлигини илмий ва назарий жиҳатларини асослашга харакат қилган. Бундай ихтисослашган биржа пахта ва текстил маҳсулотлари ярмаркалари фаолиятининг мантикий давоми эканлигини ҳамда жаҳонда нуфузли Ливерпуль ва Нью-Йорк биржалари мавкеи пасаяётганлигини, хозирда жаҳон пахта савдосининг 15-20% уларнинг хисобига тўғри келишини инобатга олиб, муаллиф Европа ва Осиёни бирлаштиривчи айнан Марказий Осиё худудида ягона пахта толаси ва маҳсулотлар биржасини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир, деб хисоблайди. Ушбу биржа фаолиятида нафақат маҳаллий хомашё ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, ташкил савдо ва экспортёр компаниялар, балки бутун жаҳон пахта бозорида фаолият юритувчи ташкилотлар тенг ҳуқуқли иштирокчи бўлиши кафолатланиши зарур. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз нуфузли ва салоҳиятли имиджини шакллантириш билан бирга маҳаллий хомашё ишлаб чиқарувчиларига пахта толасининг давлат буюртмасидан ташқари ишлаб чиқарган кисмини ташкил этилган биржа орқали мустақил ва эркин тарзда сотишига шароит яратади, шунингдек маҳаллий фермер хўжаликлари учун ишлаб чиқариши кенгайтириш ва қўшимча даромад олиш мотивациясини кучайтиради. Шу билан бирга пахта ишлаб чиқариш ва сотиш устидан бугунги кунда давлат назорати сақланиб қолинсада, бу тадбир пахта ишлаб чиқарувчи фермерлар иктисодий эркинликларини кенгайтириш, уларнинг мавқеларини мустаҳкамлаш ва пахта толаси экспортини эркинлаштиришдаги аниқ қадам бўлар эди.

Юқорида кўтарилиган масалаларни хисобга олиб, таклиф этилаётган маҳаллий фермер ва ишлаб чиқарувчиларга давлат буюртмасидан ортган маҳсулотни мамлакат ичкарисида маҳсус биржа орқали сотиш имконияти, пахта толасининг қўшини давлатлар худудига ноконунний тарзда чикиб кетишига ҳамда Қозогистон, Россия ва бошқа воситачи трейдер компанияларига нолегал тарзда сотилишига чек қўяди. Ушбу вазият ўз навбатида пахта толасини сотиш жараённида ташкил савдо компаниялари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хорижий трейдерлар ўргасида рақобат курашини кучайтиради ҳамда юқори сифатли оптимал нархли ўзбек пахта толаси ва маҳсулотларига бўлган мавқеини мустаҳкамлаб, қизиқишини кучайтиради. Ушбу биржа тузилмасини пахта ва текстил кластери таркибига киритилиши, унинг фаолиятининг эркин иктисодий ҳудудида ташкил этилиши ҳамда ҳудудда яратилган имтиёз ва кулагайликлардан фойдаланиш имкониятлари республикамизга хорижий ишбайлармонларни кенгрок жалб этишга имкон яратади. Ушбу тадбирлар мажмуи ички ишлаб чиқариш омилларини мустаҳкамлашга, қолаверса, экспорт маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилсада, ўз навбатида ташкил бозорларда миллий маҳсулотлар улушкини сақлаб колиш ва ўзлаштирилиши лозим бўлган халқаро бозорлар миқёсини кенгайтириш вазифаси давр талабидан келиб чиқкан холда инновацион тадбирларни таклиф

етишни ҳамда мухим стратегик вазифаларни зуллук билан амалга оширишни талаф қўймоқда.

Муаллиф фикрича, Ўзбекистондаги экспортёр корхоналарда бу ишни бажаришда ҳали ҳам малакали мутахассислар етишмайди. Гарчи ташки иқтисодий алоқалар билан шугулланувчи тегишли давлат органларида бу борада изланишлар ўтказилаётган бўлсада, улар асосан пойтахтда жамланган бўлиб, мутахассисларнинг барча экспортёр корхоналар учун етарли даражада хизмат кўрсатиш имкониятининг чекланганлиги масаласи мавжуддир. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда экспортёр корхоналарнинг ҳалқаро маркетинг менежерлари учун *маркет скрининг методологиясини* тавсия этиш мухимдир.

Ҳалқаро бозорларда фаолият юритадиган ташки савдо компаниялари ва экспортёр корхоналар учун ташки истеъмол бозорларини ўрганиш энг қийин, лекин жуда мухим аҳамиятга эга вазифа ҳисобланади. Бу борада аввал жаҳон бозорида ҳамда мамлакат ҳудудида пахта ва текстил маҳсулотлари савдоси билан шугулланәётган ташки савдо компаниялари ва уларнинг мавжуд салоҳиятларини аниқ тасаввур этиши лозим. Ҳалқаро микёсда пахта ва текстил маҳсулотлари савдоси билан Ўзбекистоннинг “Ўзмарказимпэкс”, “Ўзпроммашимпэкс”, “Ўзинтеримпэкс” давлат ташки савдо компаниялари шугулланмоқда. Европа ва Жануби-Шаркий Осиё бозорларида эса бир қатор “Ралли Браз”, “Волмарк”, “Донавант”, “Мередит Джонс”, “Сумитомо”, “Марубени” нуфузли савдо компаниялари самарали фаолият юритиб келмоқдалар. Хорижий компаниялардан Ўзбекистон бозорида асосан АҚШнинг “Донавант” ва “Робертсон”, Буюк Британиянинг “Мередит Джонс” трейдер компаниялари кўп йиллардан бери ҳамкорлик ва самарали маркетинг изланишлари асосида олди-сотди операцияларини олиб бормоқдалар.

Таъкидлаш лозимки, ҳозиргача Ўзбекистондаги маркетологлари томонидан оригинал *маркет скрининг* усуллари яратилгани йўқ, бунинг учун тажриба керак. Ташки бозорларнинг маркет скринингини ўтказишида бевосита амалиёт тажрибасининг роли ниҳоятда каттадир. Умуман олганда, ҳалқаро бозорларни ўрганиш жараёни бир неча босқичларда амалга оширилади ҳамда номзод давлатларни *мамлакатни идентификациялаш* ва рўйхатга киритишдан бошланади. Бунда ушбу мамлакатларга оид бирламчи статистик маълумотлар: аҳоли сони, ЯИМ, иқтисодий ўсиш суръатлари ҳамда мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятга оид оммавий ахборот воситалари маълумотлари тўпланади. Бу босқичда корхонанинг ҳалқаро маркетинг менежерига хорижий мамлакат бозорининг ҳажми тўғрисида маълумотга эга бўлиш энг мухимдир. Бу асосан аҳоли сонини аниқлашдан бошланиши мумкин. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, аҳоли сони кўп бўлгани билан аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ кичик бўлса, бозор ҳажми ҳам кичик бўлади. Шунинг учун бу босқичда компаниялар дунёнинг бир ёки ундан ортиқ ҳалқаро савдода иштирок этувчи минтақалари тўғрисида маълумот йигиши мухим ҳисобланади. Яна бир мухим ва асосий кўрсаткичлардан бири - бу миллий маҳсулотнинг ҳалқаро бозорлардаги улуши. Ўзбек пахтасининг ҳалқаро бозорлардаги улушкини ўрганиш жараёни аввалламбор миллий маҳсулотнинг мамлакатлар импортидаги ўрни билан белгиланади (5-жадвал).

5-жадвал.

Ўзбекистон пахта толасининг халқаро бозорлардаги улуши* (2006 й.)

Мамлакатлар	Импорт	Ўзбек пахта толасининг улуши
Бангладеш	500.000	40%
Россия	290.000	40%
Хитой	3.642.000	10%
Покистон	352.000	5%
Туркия	705.000	3%
Индонезия	463.000	2%
Ташланд	422.000	2%
Япония	608.000	0%
Тайван	263.000	0%
Олмония	65.000	18%
Италия	120.000	15%

*Манба: Cotton outlook. IV International cotton and textile conference (2007) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Жадвал таҳлилига кўра, яқин келажакда пахта толаси экспортини Хитой ва Россия мамлакатлари қаторида айнан Бангладешга кўпайтириш кўпроқ наф келтириши мумкинлигини кўриш мумкин. Шунингдек, Cotton Outlook маълумотларига кўра, Бангладешнинг пахта толаси истеъмоли йилига 35-40 минг тоннага ошиб бориши ҳамда 2006 йил якунлари бўйича 500 минг тоннани ташкил этганлиги эътироф этилди. Бу борада мамлакатларнинг хомашё ва маҳсулотларига бўлган истеъмол кувватини таҳлил этиш, баҳолаш ва мумкин қадар истиқболини аниқлаш аҳамиятлиdir.

Муаллиф фикрича, халқаро бозорларнинг истеъмол кувватини эконометрик моделлаштиришда маълум *тайм тренд усули* (вақт тренди) ёрдамида таҳлил килиш мухимdir. Ушбу усул ёрдамида экспортёр товарни ташкил бозорларда уни ракобатчилар томонидан сотилиш ҳажми ва ўсиш суръатларидан келиб чиқиб мақсадли истеъмол бозорига баҳо бериши мумкин. Шунингдек, бугунги кунда ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши пахта толаси ва текстил маҳсулотлари учун экспорт бозорларини кўпайтиришни кун тартибига кўймоқда. Ўзбекистон Республикаси учун экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, истиқболли халқаро бозорларни ўрганиш ва уларга кириб боришни таъминлаш ҳисобланади.

Муаллиф ушбу муаммонинг ечимини икки хил методик ёндашув асосида ҳал қилиш мумкинлиги таклиф этади. *Биринчиси, бу – пахта толаси истеъмолининг вақт тренд таҳлилини халқаро бозорлар бўйича ўтказиш ва таққослаш бўлса, иккинчиси, эконометрик модел асосида истиқболли экспорт бозорларини аниқлаш бўлиб ҳисобланади.* Иккала усул нима учун маркет скрининг усули сифатида танлаб олинганини улардаги қўрсаткичлар шарҳидан келиб чиқиб тушунтирилади. Ушбу усуллардан Хитой, Бангладеш, Корея ва бошқа Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бозорлари ҳамда МДҲ мамлакатларининг анъанавий бозорларини таҳлил килишда фойдаланиш мумкин. Бу усуллар халқаро бозорларга чиқиш учун маркетинг стратегиясини белгилашда ҳам самарали ҳисобланади.

Юкорида тавсифланган халқаро бозорларнинг жозибадорлиги ва истеъмол кувватини ўрганиш усуллари ичida *вақт тренди* усулини асосан

пахта толаси ва кисман тайёр маҳсулотлар экспорти учун қўллаш мақсадга мувофик. Чунки бу усул бизнес цикли билан боғланганда ишлаб чиқариш ва истеъмол хажмидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб аниқ бир тенденцияни топиш асосида прогноз варианtlарини ишлаб чиқишига асос бўлади.

Тадқиқот жараёнида ўзбек пахта толасининг асосий истеъмолчиси бўлган мамлакатлар бозорларининг пахта толаси импорти ҳамда пахта толаси ялпи истеъмоли каби кўрсаткичларини вакт тренди усули асосида ишлаб чиқилган амалий таҳлил натижаларини кўйидагича изоҳлаш мумкин (6-жадвал).

6-жадвал.

Айрим мамлакатларда пахта толаси импорти ва ялпи истеъмолининг вакт тренди усули асосида таҳлили* (метрик тонна)

Мамлакатлар	$Y_t - Y_0$ (База йилга нисбатан мутлок ўсиш)	$Y_t - Y_{t-1}$ (Зангирил боғланиш бўй. Йил ўсиш)	$I_p = Y_t / Y_0$ (База йилга нисбатан нисбий ўсиш)	$I_p = Y_t / Y_{t-1}$ (Зангирил боғланиш бўй. Йил ўсиш)
	пахта толаси импорти	пахта толаси импорти	импорт ўсиш суръати, %	импорт ўсиш суръати, %
Хитой	-297,9	-6,3	0,599	0,434
Ҳиндистон	255,1	28,6	2,896	2,356
Бангладеш	84,9	14,3	2,815	3,088
Индонезия	26,8	5,3	1,629	1,219
Жанубий Корея	-38,3	-3,5	0,599	0,495
Россия	135,6	23,2	4,134	3,308
Мамлакатлар	Пахта толаси ялпи истеъмоли	Пахта толаси ялпи истеъмоли	Пахта толаси ялпи истеъмолининг ўсиш суръати, %	Пахта толаси ялпи истеъмолининг ўсиш суръати, %
	$Y_t - Y_0$	$Y_t - Y_{t-1}$	$I_p = Y_t / Y_0$	$I_p = Y_t / Y_{t-1}$
Хитой	754,9	145,6	4,045	3,873
Ҳиндистон	354,6	52,5	2,367	1,219
Бангладеш	81,9	14,9	2,702	2,406
Индонезия	24,4	5,6	1,790	1,330
Жанубий Корея	-31,1	-3,6	0,592	0,734
Россия	116	21,2	2,986	3,842

*Маинба: Жадвал ICASning 1996-2006 йиллар мәълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари билан тўлдирилган ва ишлаб чиқилган. Изоҳ: жадвалга тегишли ҳар бир давлат бўйича асосий ҳамда қўшимча ҳисоб-китоблар диссертация ва унинг иловаларида келтирилган.

Таҳлил натижалари Хитой, Россия, Бангладеш, Ҳиндистон, Корея ва Индонезия давлатлари бозорларини З та гурухга бўлиб изоҳлашни ўз ичига олади. Буларга: 1) ўзининг пахта хомашёсини етиштириш базасига эга бўлган, лекин импорт пахта толасини кўп истеъмол қилувчи давлатлар: Хитой ва Ҳиндистон; 2) ўзининг пахта хомашёсини оз миқдорда етиштириш базасига эга бўлган, лекин импорт пахта толасини кўп истеъмол қилувчи давлатлар: Бангладеш ва Индонезия; 3) ўзининг пахта хомашёсини етиштириш базасига эга бўлмаган, лекин импорт пахта толасини истеъмол қилувчи давлатларга: Жанубий Корея ва Россия киради.

Хитойда пахта толаси импорти 1997 - 2001 йилларда кисқарган бўлсада, 2002 йилдан бошлаб у ўса бошлаган ва кариб 1996 йилги истеъмол даражасига етган. Лекин Хитойда пахта толасининг ялпи истеъмоли ўтган даврда кўпроқ ички ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ҳисобига юз берган.

Хитойда пахта толаси импортининг ўсиш суръати истеъмолга нисбатан паст бўлган. Бу ялпи пахта толаси истеъмолида ички ишлаб чиқаришнинг ҳажми кўпроқ бўлганини кўрсатади. Лекин дунё микёсида олганда Хитойдаги пахта толаси ялпи истеъмолининг тез ўсиб бориши ва импорти ҳажмини катталиги ушбу бозорни келажакда ўзбек пахта толаси учун энг истиқболли бозор сифатида қарашга имкон беради.

Иккинчи йирик пахта толасини истеъмол қилувчи бозор бўлиб Ҳиндистон хисобланади. Ҳиндистонда ўрганилаётган даврда маҳаллий пахта толасини етиштириш бир маромда қолган бўлсада, пахта толаси импорти 2006 йили 1996 йилга нисбатан 32 баробарга ортган, яъни 9 минг тоннадан 295 минг тоннага етган. Ўтган даврда пахта толаси импорти Ҳиндистонда ўртача 241 минг тоннага ортган бўлса, бу ўзгариш йилига 28,6 минг тоннага тенг бўлган. Ҳиндистонда пахта толаси ялпи истеъмоли Хитойдан фарқли ўлароқ, ички ишлаб чиқаришнинг ўсиши эвазига эмас, аксинча, импорт ҳажмини ортиши эвазига кўпайган. Бу эса Ўзбекистонга ушбу мамлакат бозорини пахта толаси ва ярим тайёр текстил маҳсулотлари экспорти учун иккинчи истиқболли бозор сифатида кўриш имконини беради.

Бангладешда маҳаллий пахта толасини етиштириш ўтган даврда қарийб ўзгармаган: 1996 йили 20 минг тонна, 2006 йили эса 22 минг тонна. Лекин, ўтган даврда пахта толаси импорти жуда тез кўпайган - 1996 йилда 105 минг тонна пахта толаси, 2006 йилда эса 480-500 минг тонна атрофида пахта толаси импорт қилинган. Мамлакатдаги ялпи пахта толаси импорти ҳам 2,5 баробарга ортган. Бангладеш ўзининг хомашё базасига эга бўлсада, унинг ҳажми жуда оз, текстил саноати эса тармоклар ичida энг тез ривожланаётгани бўлиб хисобланади. Ушбу мамлакатнинг жуғрофий жиҳатдан Ўзбекистонга нисбатан яқинлиги ва ялпи ҳамда импорт пахта толаси истеъмоли ҳажмини юқори суръатларда ўсиб бораётгани, Бангладеш бозорида ўзбек пахта толасини нарх ва сифат жиҳатдан рақобатбардошлигини эътиборга олган ҳолда, асосий истеъмолчилардан бири сифатида қарашга имкон беради.

Россияда пахта толаси импорти 2006 йилга келиб, 1996 йилга нисбатан таҳминан 2 баробарга ортган ёки 175 минг тоннадан 290 минг тоннага етган. Истеъмол ҳажми асосан 2001 йилдан бошлаб кўпая бошлаган ва 2006 йилда максимал даражага етган. Россияда ўртача йиллик пахта толаси истеъмол ҳажми 21 минг тоннага кўпайган ҳолда, пахта толаси импорти 23 минг тоннага ортиб борган. Бу эса пахта толасини импорти ўсиш суръатини пахта толасини ялпи истеъмолига нисбатан юқори бўлишини белгилаб берган.

Индонезияда пахта толасини маҳаллий етиштириш жуда оз мидорда, яъни 4 минг тоннадан 12 минг тоннагача кўпайган. Пахта толаси импорти эса ўтган даврда 463 минг тоннадан 519 минг тоннага етган. Бу маҳаллий ишлаб чиқариши қарийб 80% импорт пахта толаси эвазига ишлашини англатади. Гарчи ялпи истеъмол Хитой ва Ҳиндистонга нисбатан анча кичик бўлсада, маҳаллий хомашё базасини кичикилиги ҳамда Индонезия бозорида ўзбек пахта толасининг ўрни мавжудлиги келажакда ушбу бозорни ўзбек пахта толаси учун истиқболли бозор сифатида қарашга имкон беради. Бажарилган прогнозларга

кўра, 2010-2011 йилларга келиб, Индонезия умумий пахта толаси импорти миқдори ўргача 565 минг. тоннани ташкил этиши кузатилмоқда.

Ўзбек пахта толасининг доимий истеъмолчилиги айланган Жанубий Кореяда маҳаллий хомашё базаси мавжуд эмас ва ишлаб чикариш тўлалигича импорт пахта толасига муҳтождир. Лекин, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган даврда Жанубий Кореяда пахта толасини ялпи истеъмоли камайган, бу эса пахта толасини импортини ҳам камайишига олиб келган. Шу билан бирга таҳлил натижалари ушбу давлатда хозирча текстил тармоғи бизнесининг пасайиш циклида эканлигидан далолат бермоқда ва пахта толасига бўлган талаб чекланганлигини тасдиқлади.

Умуман олганда, таҳлиллар кўрсатишича, келажакда Жанубий Корея бозорида пахта толаси импортини ўсиши кузатилмаслигини таъкидлаш мумкин. Бинобарин, танлаб олинган давлатлар ичидаги Хитой, Бангладеш, Хиндистон давлатларида пахта толаси импортиниң юкори суръатларини сакланиб қолишини, Россия ва Индонезия бозорларида эса ўртаси истеъмол ҳажми ортиши ва бу истеъмол асосан ўзбек пахтаси хиссасига тўғри келишини таъкидлаш мумкин.

Халқаро экспорт бозорлари тўғрисида етарли ахборотга эга бўлмаган холатда корхоналар учун истиқболли экспорт бозорларини танлашда регрессион таҳлил усули жуда кўл келади. Ушбу усуллардан замонавий бизнес юритища хорижий ТМКлар экспорт стратегияларини самараали амалга оширишда фойдаланишади. Бу борада илмий ишда Ўзбекистон корхоналари учун истиқболли экспорт бозорларини *маркет скринингини* ўтказишининг эконометрик модели таклиф этилиб, у куйидаги кўринишга эга:

Истиқболли экспорт бозорларини аниқлашнинг эконометрик модели

$$\frac{AEX_{\mu_t}}{ALS_{\mu_t}} = e^{\beta_0} \times GDP^{\beta_1} \times \left(\frac{GDP}{POP}\right)^{\beta_2} \times (1 - DST)^{\beta_3} \times (1 - TAX)^{\beta_4} \times SCL^{\beta_5} \times (1 - TC)^{\beta_6} \times (1 - TAR)^{\beta_7} \times (1 - NTB)^{\beta_8} \times \mu \quad (1)$$

Бу ерда: AEX = тармоқ маҳсулотининг ўртаси экспорти;

ALS = тармоқ маҳсулотининг ички бозордаги ўртаси сотув ҳажми;

GDP = импортёр мамлакат ЯИМ;

GDP/POP = импортёр мамлакатдаги аҳоли жсон бошига тўғри келадиган даромад;

DST = ишлаб чиқарувчи ва экспорт бозори ўртасидаги масофа;

TAX = экспортёр мамлакатдаги экспорт солиги;

SCL = экспортёр мамлакатдаги тармоқдаги ўртаси бандлик;

TC = фрахт қиймати ёки транспорт харажати;

TAR = импортёр мамлакатдаги тармоқ учун ўртаси импорт тарифи;

NTB = импортёр мамлакатдаги нотариф тўсиклар;

μ = формуладаги кўрсаткичлар умумий танланмасининг ўртаси (хатолик) даражаси. t - вақт, j - мамлакат, i - тармоқ; $\beta_0 \leq 1$; $0 \leq \beta \leq 1$

Хисоб-китоблар учун формуланинг асосий шакли куйидаги кўринишга эга:

$$Ln^*(AEX_{\mu_t}) - Ln(ALS_{\mu_t}) = \beta_0 + \beta_1 * Ln(GDP_{\mu_t}) + \beta_2 * Ln(GDP_{\mu_t} / POP_{\mu_t}) + \beta_3 * Ln(1 - DST_{\mu_t}) + \beta_4 * Ln(1 - TAX_{\mu_t}) + \beta_5 * Ln(SCL_{\mu_t}) + \beta_6 * Ln(1 - TC_{\mu_t}) + \beta_7 * Ln(1 - TAR_{\mu_t}) + \beta_8 * (1 - NTB_{\mu_t}) + \mu_{\mu_t} \quad (2)$$

Таҳлилга кўра, ЯИМ, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад, тармоқдаги бандлик кўрсаткичлари экспортни кўпайишига олиб келса, яъни ички бозордаги сотовга нисбатан экспортни кўпайтиrsa, масофа, экспорт соликлари, транспорт киймати, импорт тарифлари ва нотариф тўсиқлар эса аксинча экспортни ўсишини чеклаб, ички бозордаги сотовни кўпайтиради. Омилларнинг ўрни уларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб аниқланган. Формуладаги β кўрсаткичи регрессия киймати бўлиб, у ҳар бир кўрсаткичининг танлаб олинган даврдаги ўртacha микдори бўлиб ҳисобланади ва камайтириш коэффициенти ролини бажаради, μ кўрсаткичи формулада асосий кўрсаткичлар ҳисобланган ўртacha экспорт ҳажми ва ички бозордаги сотовнинг ўртacha микдорини бир—бирига бўлинмаси сифатида аниқланади ва у ҳам камайтирувчи регрессия коэффициенти вазифасини бажаради. Илмий ишда ушбу модел асосида ҳисоб-китоблар бажарилиб, маҳаллий экспортёр компаниялар учун истиқболли экспорт бозорларининг маркет скринингини ўtkазиш маҳсус дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга биноан экспортёр корхоналар керакли маълумотларни киритиш асосида исталган мамлакат бозори бўйича маркет скрининг таҳлилини ўtkазишлари мумкин.

Халқаро бозорга кириш кўпчилик ташки савдо компаниялари ҳамда экспортёр корхоналар учун маданий жиҳатдан ўхшаш яна бир давлат бозорини ўзлаштиришдек туюлади. Лекин аслида улар халқаро бозорда кўплаб кутилмаган тўсиқлар ва муаммоларга дуч келишлари мумкин. Бу муаммо ва қийинчиликларни енгиги ўтиш учун “халқаро тажриба тўплаш” ва “байнагиналлашув кетма-кетлиги” қоидаларига амал қилиш керак.

Экспортёр корхоналар халқаро бозорларга чиқишида тажриба етишмаганда “ўхшишик аналогияси” тамойилига биноан аввал маданий ва психологик жиҳатдан ўз ватанларига ўхшаш ёки олдин ишлаб тажриба орттирган мамлакатлар бозорига чиқиши керак. Чунки бу мамлакатларда корхона халқаро маркетинг менежерларининг ўз уйида тўплаган тажрибаси қўйл келади. Жуғрофий жиҳатдан бу тамойил жуда кулай ҳисобланади. Лекин бу иш боскичма-боскич ташки иқтисодий фаолият доирасини кенгайтиришнинг бир кисми ҳисобланади. Бир мамлакатда муваффакият билан фаолият юритган экспортёр корхона иккинчи бир мамлакатда ҳам худди шундай иш юритишга умид қиласди. Лекин маданий ўхшашлик тамойилининг битта камчилиги мавжуд. Агар корхона фақат маданий жиҳатдан ўхшаш давлатлар бозорида фаолият юритса ва муваффакиятга эришса, бу рақобатчиларга корхонанинг келажақдаги рақобат стратегияси сирини очиб беради. Рақобатчилар бу корхонанинг хатти-харакатини олдиндан сеза бошлайдилар. Шунинг учун киска муддатли даврда маданий яқинлик эффиқти экспортёр корхона учун рақобат устунлигини бериши мумкин, лекин у зоҳқ вакт чўзилмайди. Халқаро маркетинг менежерлари бу муаммони ечиш учун тажриба тўплаш боскичини босиб ўтишлари керак. Бунда асосий вазифа – корхона чикмокчи бўлган давлат бозорига ўхшаш бозорни танлаш ва унда тажриба тўплаш, кейин эса асосий бозорга чиқиши учун хужум бошлаш ҳисобланади. Бу эса корхона рахбариятидан ташки иқтисодий фаолиятни кенгайтириш стратегиясини

яратиши хамда халқаро бозорларга киришнинг оптимал стратегиясини танлаб олишини такозо этади.

Таваккалчилик даражасини пастлиги ва бозор институтларининг замонавий тараққиёт даражаси бевосигта экспортга йўл очиб беради. Лекин юқори сифатга бўлган талаб, рақобат мухитини кескинлиги ва транспорт харажатлари ушбу мамлакатлар бозорларига тайёр маҳсулот билан чиқишини бироз кийинлаштиради. Тадқиқотлар кўрсатишича, агар пахта ва текстил маҳсулотлари экспорти халқаро маркетинг тизими янада динамик тус олса, унда ўзбек маҳсулотлари рақобатчилик позициясини янада кучайтириш имконияти мавжуд. Шунингдек, нархнинг халқаро фьючерс бозори маълумотларига асосланиши ёки Ўзбекистонда фьючерс бозорининг (савдоларининг) ташкил этилиши масалаларини ўрганиш хамда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг пахта ва текстил маҳсулотларини ишлаб чиқариш, экспорт қилиш ва жаҳон бозорида рақобатчилик позицияларини мустаҳкамлаш борасидаги мавжуд тажрибаларини жорий этиш бу борада илгари ташланган қадам бўлади.

Жаҳон бизнеси амалиёти кўрсатишича, рақобатчилик устунликларига эришиш учун турли фаолият соҳаларида ютуқларга эришган рақибларнинг тажрибасини ўрганиш, билиш ва кўллаш зарур. Бу борада муаллиф маҳаллий ташкил савдо компания ва ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини бир неча замонавий ёндашувлар асосида ташкил этишини таклиф этмоқда. Замонавий ҳамкорликда ўта кескин рақобатчиликда самарага асос бўладиган *рақобатчилик бенчмаркингини* инновацион бизнес фалсафасининг ўзгаришидаги ҳаракатлантирувчи куч деб ҳисоблаш мумкин. Бунда маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиши жараёнига ташқаридан туриб назар солиш мухимdir, чунки у ривожланишининг стратегик йўналишини белгилайди ва чекланган ресурсларнинг таҳсиланишига ёрдам беради. *Бенчмаркинг* жараёнида олинган энг яхши компанияларнинг иш услублари ва харидорларнинг эҳтиёjlари ҳақидаги билиmlар корхонани ривожланишиш ва унинг рақобатга қобилиятлилигини таъминлаш учун зарур ахборотлар ҳисобланади. Навбатдаги босқич эса, шу билан боғлиқки, бутун ташкилот яхлит ёки ягона бир механизмни ташкил этади. Қарорларни қабул қилиш жараёни факат корхона фаолиятининг умумий самарадорлигини таъминлаш шарти билан аниқ ва тўлиқ ахборот асосида юз беради. Корхона ичida синергетик самара вужудга келади. Ушбу босқичда стратегик бенчмаркинг глобал бенчмаркинга ўтади. Бу эса, *бенчмаркинги* стратегик йўналиши маркетинг тадқиқотларининг энг мухим йўналишларидан бири сифатида кўрилишини такозо этади.

Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши жараёнида *бенчмаркингнинг* кўлланилиши шуни таъминлайдики, ташкил мухит ва харидорлар қўядиган талаблар релевант маълумотлар асосида кўриб чиқилади. Мисол учун, Ўзбекистоннинг текстил саноати Хитойнинг текстил саноатидан корхоналарнинг тузилиши ва ишлаб чиқариш, маркетинг соҳаларидаги иш услублари бўйича жиддий фарқланади. Хитойнинг ишлаб чиқарувчилари факат арzon материалларни ишлатиши ва тикувчиларга кам ҳак тўлаши билангина

эмас, балки яна бутун дунё бўйлаб истеъмолчининг уларнинг маҳсулотига қандай муносабат билдиришини ва қандай маҳсулотни олишни хоҳлашини синчилаб кузатиб бориши ва шунга қараб зудлик билан талабга мос маҳсулотни ишлаб чиқарилишини йўлга кўйиши билан кучлидир. Шунинг учун ҳам европалик ва эндиликда россиялик кийим ишлаб чиқарувчилар факат моделларни яратиб, уларни тикишини эса Хитой корхоналарига беришини афзал кўришади. Жанубий Кореядаги текстил маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг тажрибаси *кластер* ёндашувга ва маҳсус саноат зоналари ёки технопаркларни яратишга асослангандир. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун яна бир самарали бизнес тажрибасидир.

Иккинчи бир ёндашув бу маҳаллий компанияларнинг халқаро бозорлардаги бизнес миссиясида бозорни олдиндан *рақобатли позициялаш* ва таҳлил қилинган мълумотлар асосида мақсадли йўналтирилган маркетинг стратегиясини кўллашга асосланади. Бунинг учун маҳаллий корхона ўзининг ташки тадбиркорлик фаолияти учун бозор танлаётганида ўз рақобатчиларини аниқ тасаввур қила олиши, бунда факат ўз рақобатчиларини билишгина эмас, балки улар ўз бозорларида эга бўлган устунликларни ҳам тасаввур қила олиши лозим. Халқаро бизнесни олиб бориш учун ташки мұхитда кулаги омилларнинг мавжудлиги факат биринчи шартдир, холос. Рақобатни таҳлил қилиш натижалари ташки савдо компания ва корхоналарнинг халқаро бозорлари рўйхатини анчагина кисқартириб юбориши мумкин.

Илмий ишда ушбу ишларни амалга ошириши йўллари ҳамда пахта ва текстил маҳсулотлари бозорида маркетинг стратегияси ва рақобатли позициялаш босқичлари модели келтирилган (6-расм).



6-расм. Пахта толаси ва текстил маҳсулотлари бозорида маркетинг стратегияси ва рақобатли позициялаш босқичлари модели*

*Манба: Муаллиф ишланмаси.

Таъкидлаш жоизки, тайёр текстил маҳсулотлари экспорти яқин вакт ичидаги текстил бўйича халқаро савдоning эркинлашуви ва квоталарнинг бекор килиниши сабабли жаҳон бозорларидағи юксак рақобатчилик муаммосига дуч келиши мумкин. Рақобатчи мамлакатлар (Хитой, Туркия, Индонезия ва шу кабилар)нинг анча арzon текстил маҳсулотлари нафакат Ўзбекистон корхоналарининг текстил маҳсулотлари экспортини кенгайтиришига имкон бермаслиги, шу билан бирга хозиргача эгалланган ўринлардан сиқиб чиқариши хам мумкин. Бу текстил маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича уни ишлаб чиқаришдаги барча технологик босқичларга: пахта навини яхшилаш ва экиладиган уруғиллар сифатини оширишдан тортиб, хомашёни тозалаш, пахта толаси ишлаб чиқариш ва ярим тайёр (йигирилган ип, мато, полотно) ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришгача бўлган тегиши пухта ўйланган маркетинг стратегиясини жорий этишни такозо қиласди. Илмий ишда ушбу ишларни амалга ошириш босқичлари асосланган (7-расм)



7-расм. Пахта толаси ва текстил маҳсулотлари экспортини маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш модели*

*Манба: Муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотчи фикрича, таъкидлаш ўтилган кўпгина муаммолар ва масалаларни ечиш жараёнлари яна бир муҳим вазифани ҳал этишни талаб қиласди. Бу Ўзбекистон Республикаси пахта ва текстил саноати корхоналари

учун бевосита экспортни халқаро ишлаб чиқарыш кооперацияси асосида амалга ошириш самаrasини бугунги күн нұктай назаридан истиқболли эканлигини илмий ва амалий асослаштыр. Бу борада халқаро бозорларга чиқишида аввал МДХ мамлакатлари бозорлари, сүнгра Туркия ва Хитой (Синцзян уйгур автоном вилояты), кейин Ҳиндистон, Жанубий Корея, Бангладеш, Вьетнам каби давлатлар бозорларига кириб бориб, ушбу мамлакатларнинг шу соҳадаги ижобий тажрибасини самарали қўллаш кўл келади. Мақсадли бозорларни ўзлаштириш ва шу асосда миллий маҳсулотлар улушини ошириш авваламбор экспортёр корхона ва компаниялар томонидан аниқ бир стратегик аҳамиятта зга бўлган инновацион халқаро маркетинг тадбирларини ўтказиши, узоқ ва қисқа муддатларга мўлжаллаб маркетинг стратегияси асосида маҳсулотларни аниқ бир босқичли илгари суриши режалаштиришини кўзда тутади.

Шу боис, пахта ва текстил маҳсулотларининг халқаро бозорларида маркетинг стратегиясини амалга оширишнинг асосий йўналишларини аниқ белгилаб олиш мухим. Диссертацияда ушбу йўналишлар куйидаги расмда ўз аксини топган (8-расм).



8-расм. Пахта толаси ва текстил маҳсулотлари экспорти маркетинг стратегиясини амалга ошириш йўналишлари *

*Манба: Муаллиф ишланмаси

Илмий таҳлиллар натижасида шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда пахта толаси ва текстил маҳсулотлари экспортида оптималь бозорлар тарикасида МДХ давлатлари бозорлари, яъни Россия, Марказий Осиё давлатлари

бозорларини тұулық әгаллашни, шунингдег Жануби-Шаркىй Осиё мамлакатлари бозорларыда экспорт улушини оширишни стратегик вазифа деб қараш зарурдир. Бу эса, авваламбор мамлакат мікёсіда пахта ва текстил кластерини шакллантиришни, “коопераціон занжирлар” концепцияси асосида капитални трансмиллиялаштиришни ҳамда транспорт инфраструктурасыннан қалкаро секторини диверсификациялаш ва мустаҳкамлашни тақозо этади.

Таддикот ишида пахта толасини жағон бозорларига етказиш харажатларини камайтиришнинг іқтисодий-математик модели таклиф этилиб, юқ ташишни оптималь тарзда ташкил этиш ва терминалларни танлаш масаласи ҳал этилди. Пахта толасини Ўзбекистон терминалларидан хорижга экспорт килишдаги транспорт харажатларини минималлаштириш даражаси ($F \text{ min}$) іқтисодий математик моделининг күріниши қуйидагича бўлиб, унда оптимальлаштириш функцияси - пахта толасини экспорт қилишдаги жами транспорт харажатларини энг кам қиймати

$$\min F = \sum_{j=1}^n \sum_{i=1}^m C_{ij} X_{ij}$$

Куйидаги шартлар бажарилган ҳолда:

(1) Хорижий истеъмолчиларнинг пахта толасига бўлган талабини тўла

$$\text{кондириш шарти } \sum_{i=1}^m X_{ij} = B_j$$

(2) Терминаллардан пахта толаси захираларини тўла ташиш шарти

$$\sum_{j=1}^n X_{ij} = A_i$$

(3) Хорижий истеъмолчилар талаби ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар тақлифини мувозанатлаштириш шарти

$$\sum_{j=1}^n B_j = \sum_{i=1}^m A_i$$

(4) Изланаётган номаълумларнинг $X_{ij} > 0$ манфий бўлмаслиги шарти.

Қабул қилинган белгилар:

$i=1, \dots, m$ – терминаллар индекси ва сони;

$j=1, \dots, n$ – хорижий истеъмолчилар индекси ва сони;

A_i – i - терминалдаги мавжуд пахта толаси миқдори;

B_j – j - хорижий истемолчининг пахта толасига бўлган талаби;

C_{ij} – i - терминалдан j – истеъмолчига 1 тонна толани ташишдаги транспорт харажатлари;

X_{ij} – i терминалдан j – истеъмолчига етказилиши зарур бўлган пахта толаси миқдори.

Ушбу модел муаллиф томонидан Ўзбекистондаги 10 та терминалдан 4 та хорижий истеъмолчилар йўналиши бўйича пахта толасини жўнатишининг оптималь маршрутини танлаш ва умумий экспорт ҳажмини тақсимлаш масаласини ҳал этишда кўлланилди. Ушбу модел бўйича зарурий бўлган ахборотлар 7-жадвалда келтирилган.

**Ўзбекистон терминалларидан халқаро бозорларга пахта толаси экспорт
хажми ва ўртача транспорт харажатлари*** (1тн./АҚШ долл.)

Терминаллар	Европа	Жануби-Шарқий Осиё	МДХ	Жанубий Осиё	Жами экспорт (терминалдаги пахта толаси мөндөри, минг.тн)
1. Тошкент тола	X ₁₁ 118	X ₁₂ 130	X ₁₃ 120	X ₁₄ 125	35
2. Интер тола	X ₂₁ 125	X ₂₂ 140	X ₂₃ 130	X ₂₄ 138	35
3. Самарқанд тола	X ₃₁ 123	X ₃₂ 137	X ₃₃ 132	X ₃₄ 136	15
4. Улугбек тола	X ₄₁ 123	X ₄₂ 137	X ₄₃ 132	X ₄₄ 136	12
5. Нишон тола	X ₅₁ 128	X ₅₂ 142	X ₅₃ 135	X ₅₄ 141	12
6. Қамаши тола	X ₆₁ 129	X ₆₂ 143	X ₆₃ 136	X ₆₄ 142	12
7. Қарши тола	X ₇₁ 130	X ₇₂ 145	X ₇₃ 138	X ₇₄ 144	19
8. Навоий тола	X ₈₁ 135	X ₈₂ 146	X ₈₃ 138	X ₈₄ 146	9,5
9. Пахтакор тола	X ₉₁ 123	X ₉₂ 138	X ₉₃ 125	X ₉₄ 131	10,5
10. Кўкон тола	X ₁₀₁ 128	X ₁₀₂ 142	X ₁₀₃ 133	X ₁₀₄ 140	15
Жами истеъмолчилар талаби (минг.тн)	40	65	35	35	175

*Манба: Муаллиф томонидан хисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилган.

Стандарт дастурлар ва таҳлиллар асосида масалани ҳал этиш натижасида куйидаги еҷимлар оптималь деб қабул килинди:

$$X_{11} = 35; X_{31} = 5; X_{32} = 10; X_{42} = 12; X_{92} = 10,5; X_{82} = 9,5; X_{22} = 23; X_{53} = 11; \\ X_{23} = 12; X_{63} = 12; X_{74} = 19; X_{104} = 15; X_{54} = 1.$$

Натижага кўра Ўзбекистон терминалларидан чет элга пахта толасини экспорт қилишнинг жами энг кам харажатлари 23,469 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Оптималь еҷимга биноан пахта толасини ташишини куйидаги маршрутларда амалга ошириш таклифи илгари суриласди: Европа мамлакатларига - Тошкент ва Самарқанд терминалидан; Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига - асосан Самарқанд, Улугбек, Пахтакор, Навоий, Интер тола терминалларидан; МДХ мамлакатларига – асосан Нишон, Интер тола, Қамаши терминалларидан; Жанубий Осиё мамлакатларига - асосан Қарши ва Кўкон, Нишон терминалларидан жўнатиш самарали хисобланади.

Шунингдек, таҳлиллардан келиб чиқкан ҳолда пахта толасини жаҳон бозорларига элтиш харажатларни камайтиришнинг иктисодий-математик моделини тузишда: оптимальлик таомилларини таъминлаш, бир тизимли ёндашув асосида синергик самарани таъминлаш, транспорт-логистик тизимнинг ҳамма бўғинларидаги харажатларни камайтириш, ташки шартшароитларга нисбатан барқарорлик ва кўникувчанликни таъминлаш, халқаро транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш корхонасининг фаолият юритиши сифатини тавсифлайдиган кўтгина оптимальлик мезонларини қўллаш харажатларни камайтиришга имконият яратади. Юк оқимларини оптималь таксимлашга доир кўп маҳсулотли транспорт-ишлаб чиқариш масаласининг ечимини топиш бугунги кунда минтақа доирасида экспортёр корхоналар учун коммуникация тизимларининг мукобил варианtlарини танлаш самарасини таъминлашда муҳим кўрсаткичлардан биридир. Умуман олганда, муаллиф томонидан юк ташиш харажатларини камайтириш ёки ташишдаги транспорт йўлакларини танлаш ва оптималлаштириш жараёнларига диверсификация

стратегияси асосида ёндашиш масалалари бўйича ҳам бир қатор таклифлар келтирилган (9-расм).

Халқаро бозорларга маҳсулотлар етказиб бериш тизимини диверсификациялаш



9-расм. Халқаро бозорларга маҳсулотлар етказиб бериш тизимини диверсификациялаш*


*Манба: Муаллиф ишланмаси.

Халқаро бозорларга маҳсулотлар етказиб бериш тизимини диверсификациялаш бир неча йўналишларда: *юклар ташиши тизимини таомиллаштириш*, *терминаллар оптималь тизимини танлаш*, *халқаро транспорт йўлакларини диверсификацияси* йўналишларида амалга оширилиши таклиф этилган.

Муаллиф фикрича, Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда, шу жумладан, экспорт-импортга доир ва транзит юк оқимлари ҳажмларини кўпайтиришда миллий транспорт-экспедиторлик компаниялари олдига улар кўрсатадиган хизматларнинг даражасини ошириш юзасидан катта вазифаларни кўймоқдаки, уларни муваффақиятли ҳал этиш учун янги даражадаги транспорт логистикаси тизимини шакллантирадиган йўналишларни ривожлантириш зарур.

Ўзбекистоннинг экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарининг асосий ташки бозорларнинг олислиги ва дengiz орқали арzon транспорт коммуникацияларига эга эмаслиги маҳсулотларининг ракобатга чидамлилигини пасайтирмоқда. Тахлилларга кўра, 2005-2006 йиллар мобайнида Ўзбекистондан экспорт қилинган паҳта толасининг 2% - Россия портлари орқали, 7% - Хитой йўлаклари орқали, 2,7% - Украина портлари орқали, 14,9% - Болтик дengизи портлари орқали ва 70,3% - Эрондаги портлар орқали ташилган. Бугунги кунда Эроннинг дengиз портлари Ўзбекистон

томонидан пахта толасини Жануби-Шаркий Осиё мамлакатларига етказиб берилса асосий транзит йўлаги сифатида фойдаланилаяпти (10-расм).



10-расм. **Халқаро бозорларга пахта толасини етказиш транспорт йўлаклари***

*Манба: "Ўзташкитранс" ДАҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Транзит йўллар билан боғлиқ мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ҳамда харажатларни янада оптималлаштириш борасида лойиҳалаштирилаётган трансафон ҳамда трансхитой йўналишларини жадал суръатлар билан ривожлантириш ва ишга тушириш хисоб-китобларга кўра юкларни етказиб бериш муддатларини хозирда мавжуд Эрондаги йўлларга нисбатан 10-12 кунга, унинг масофасини эса 1400-1500 км га қисқартиради, юк ташиш харажатлари эса 15-20% га арzonлашади. Трансафон йўналишининг ишга туширилиши Ўзбекистоннинг Европа билан Осиёни туташтирувчи меридионал транспорт йўлагига ҳамда минтақавий миқёсда регионал марказга айланишига олиб келади. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси худудида "Халқаро логистик марказини" ташкил этиш долзарб масалалардан бири хисобланниб, халқаро бозорларга маҳсулотларни етказиб беришда масъул экспедиторлик компанияларини янада самарали фаолият юритишига мажбур қиласди.

Тадқиқотнинг янада мухим жиҳати - бу ЕврОсиё иктиносиди ҳамжамияти доирасида экспортёр корхоналар учун халқаро интеграция стратегияларини яратишдир. МДҲ давлатлари, жумладан, Россия ва Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш вазифаси - ички ва ташки мухит тармоклараро кооперациясини таъминлайди. Бу эса, аввалимбор, қўшни мамлакатларда фаолият юритаётган Ўзбекистон фуқароларини иш билан таъминлаш ва уларнинг фаолиятини конуний тарзда легаллаштириш масаласини, ташкил этилган ишлаб чиқариш инфратузилмаси хисобига пахта толаси ва текстил маҳсулотларига бўлган доимий талабни таъминлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кенгайтиши ҳамда Хитой, Болтик бўйи ва Европа Иттифоқи мамлакатлари бозорларига тўғридан-тўғри чиқишини ва бошқа бир қанча масалаларни амалга ошириш имкониятини яратади.

Таъкидлаш лозимки, Россия текстил саноати ҳали ҳам тўлалигича пахта толасини четдан олиб келтиришга боғлиқ бўлиб, корхоналарида қайта ишланадиган пахта толасининг 70% Ўзбекистондан келтирилади. Тахлилларга кўра, Россия ва айрим Марказий Осиё давлатларида текстил ва енгил саноати товарларига

эҳтиёж ҳар йили 10-15% га ошиб бормоқда. Табиийки, ўсиб бораётган бундай талабни кондириш асосан Фарб ва Жануби-Шаркий Осиёдаги текстиси соҳасида етакчи мамлакатлардан импорт қилиши хисобига ҳал қилиниши мумкин, чунки Россиянинг ўзидағи ишлаб чикарувчиларнинг текстист бозоридаги улуши 20% дан ошмайди.

Хозирги кунда Россия ва Марказий Осиё мамлакатларида текстист саноатининг ривожланишига бошқа мамлакатлар, аввало, Хитойдан олиб келинаётган нолегал импорт маҳсулотларининг бозорни тўлдириб юборганилиги ҳам салбий таъсир қильмоқда. Таджикотлар кўрсатишича, хозирги вактда бутун Марказий Осиё минтақасидаги текстист бозорининг 70% гача бўлган кисмини Хитойнинг буюмлари ташкил этади. Албатта, алоҳида ҳар бир мамлакатнинг ўзида пахта ва текстист саноатини ривожлантириш бўйича қиласётган мустақил ҳаракатлари диккатга сазовор. Лекин, шуниси аниқки, минтақавий бозорни ҳимоя қилиш ва маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорларидағи ракобатбардошлигини ошириш учун ҳам кооперация имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур.

Бу борада мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов: “Кооперация ва ҳамкорлик тўғрисида гапирганда биз нафақат ноёб минерал-хом ашё бойликларини, нафақат корхоналарнинг ишлаб чиқариш куввати ва салоҳиятини, балки мамлакатимиздаги мавжуд интеллектуал ресурсларни, юкори малакали ишчи кучларини таклиф этишини ҳам назарда тутамиз”¹⁰, - деб таъкидлаган эди.

Шу муносабат билан, Марказий Осиё давлатлари ва, айниқса, Россия билан анъанавий шерикчилик алоқаларини яна қайта тиклаш ва ривожлантириш пахта ва текстист тармокларини ва у билан чамбарчас боғлик бўлган саноат секторларини таназзул холатидан чиқаришнинг яна бир имкониятидир. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Россия Федерациясидаги тармоклар, илмий техник институтлар, машинасозлик корхоналари салоҳиятидан ҳамда ишлаб чиқариладиган кимёвий толалар ва ишларидан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиши мумкин.

Пахта ва текстист маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг «қўйи» ва «юқори» даражасаларини вертикал интеграциялашган тизимларга бирлаштирувчи биргаликдаги текстист ишлаб чиқариш комплексларининг ташкил этилиши кооперациянинг энг оптималь шакли бўлиши мумкин. Ўзбекистон билан Россия, Марказий Осиё мамлакатларининг текстист саноатини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлигининг янгича шакли минтақадаги текстист комплексларини янада самарали интеграциялаш, кооперациялашадиган давлатлар корхоналари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш учун энг қулай шароитларни яратишга имкон яратади.

Халқаро савдо ва бевосита хорижий инвестициялар назариялари компаниялар нима учун четга ишлаб чиқаришни жойлаштириш ёки бошқа турдаги иктисадий фаолиятни танлашларининг сабабларини тушунтиришда ишлаб чиқаришнинг халқаро интеграциялашувини тўртта шаклини ажратиб кўрсатадилар. Бу жараён Маркузен, Брайнард ва Венаблес, Экхолм, Хелпман,

¹⁰ Каримов И. Мамлакатимиз тараккинти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиси ва иктисадий ислохотларимизнинг лировард максадидир. Т.:Ўзбекистон, 2007, 42-бет.

Мелитз ва Яапл томонидан яратилган моделларда ўз аксини топган.¹¹ Моделларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, уларни танлашда аввал ҳар кайси модел кайси стратегия билан боғлик ва у қандай натижани кўзда тутади деган саволга жавоб топиб олиш керак. Чунки ишлаб чиқаришни халқаро интеграциялашувида ишлаб чиқаришнинг унумдорлиги ва транспорт харажатлари, иш ҳаки каби кўрсаткичлар жиддий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг текстил корхоналарини экспорт салоҳиятини кучайтириш учун бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали асосий фондларни янгилаш биринчи муаммо бўйса, ишлаб чиқарилган маҳсулотни ташки бозорда сотишни ташкил этиш иккинчи муаммо хисобланади. Учинчи муаммо эса транспорт харажатларининг юкорилиги хисобланади.

8-жадвал.

Ишлаб чиқаришнинг халқаро интеграциялашуви стратегиялари*

Стратегиялар турлари	Хусусияти	Ишлаб чиқариш экойи	Йигши	Ўзгармас харасантар	Ўзгарувчи, ҳар бир дона маҳсулотига тўйёри келадиган харасантар
Миллий ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқариш ва йигши уйда.	у	у	0	$c(1,1) / \theta$
Қисман глобаллашув	Ишлаб чиқариш уйда, йигши четда.	у	ч	f	$c(1,w) / \theta$
Қисман глобаллашув	Ишлаб чиқариш четда, йигши уйда.	ч	у	g	$c(w,1) / \theta$
Тўлиқ глобаллашув	Ишлаб чиқариш ва йигши четда.	ч	ч	$f + g$	$c(w,w) / \theta$

*Изоҳ: жадвалда стратегияларнинг оригинал вариантидаги номи сакланиб, 2,3,4 устундаги кўрсаткичларнинг номи ва мазмуни муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу муаммоларни юкоридаги жадвалда келтирилган “қисман глобаллашув” стратегиясини қўллаш орқали ечиш мумкин. Бунда Ўзбекистонда жойлашган текстил корхоналарини чет мамлакатларнинг горизонтал интеграция моделининг таркиби қисмига айланishiiga имкон яратиш керак. Бунинг мазмуни шуки, Ўзбекистонда мавжуд бўлган пахта хом ашёсини қайта ишлаб, ундан ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади, якуний маҳсулотни эса экспорт бозорида ишлаб чиқариш кўзда тутилади. Бунда чет элликлар учун келадиган фойда Ўзбекистондаги арzon ишчи кучи, арzon хомашё ҳамда айланма маблагларни айланиш тезлигини ортиши билан изоҳланади. Ўзбекистон учун эса манфаат чет эл инвестициялари орқали асосий фондларни янгиланиши, бандликни ортиши ва экспорт бозорига осон кириб бориш имконини қўлга киритилишидан иборат бўлади. Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилотининг тўлақонли аъзоси бўлиши арафасида халқаро интеграциялашув стратегиясига муқобил стратегия топилиши мушкул, чунки ушбу стратегияни амалда қўллаш мухим ижобий натижаларга эришиш учун замин яратади.

¹¹ Markusen J. R. and Venables Anthony J. The theory of Endowment. Intra industry, and Multinational Trade. "Journal of international economics" 52, 2000. pp 209-234.

3. ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салохиятини оширишга қаратилган халқаро маркетингнинг илмий концепциясини ривожлантириш ва ташки бозорларнинг жозибадорлигини баҳолаш услубиётларини такомиллаштириш ҳамда маҳсулотларни ташки бозорларга маркетинг стратегияси асосида илгари суриш йўлларини илмий асослаш борасида олиб борилган тадқикот қўйидаги хулоса ва таклифларни билдириш имконини беради:

1. Бугунги кунда халқаро маркетингнинг роли ва аҳамияти жаҳон иқтисодиётида рўй берган ва шаклланаётган глобаллашув жараёнининг таъсири билан кучайиб кетди. Ўз навбатида ушбу шароитда халқаро маркетинг стратегиясини шакллантирмасдан туриб, Ўзбекистон корхоналари халқаро рақобат устунлигига эга бўла олмайдилар. Бунда Ўзбекистондаги корхоналар халқаро бозорларда самарали фаолият юритишлари учун даставвал тўплланган тажрибага таянишлари керак, яъни бажариш орқали ўрганиш самарасига эришишлари зарур. Бу борада диссертацияда Ўзбекистонда *халқаро маркетинг марказларини* бир бутун тармоқлар мажмуй сифатида ташкил этиш ва ривожлантириш таклифи асосланган.

2. Халқаро бозорларга товарларни экспорт қилишда *мамлакатда макро даражадаги маркетинг тизимида халқаро маркетинг соҳаси* ҳам яратилган бўлиши керак. Мамлакатнинг макро маркетинг тизими аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш асосида бозорга йўналтирилган бўлиши лозим. Ушбу тизимнинг самарадорлиги эса ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг ўзаро ва бевосита алокасини таъминлайди.

3. Ҳозирги даврда ва яқин келажақда Ўзбекистон Республикасининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда пахта ва текстил маҳсулотларини экспорт қилишнинг аҳамияти ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жуда катта. Лекин халқаро бозорларда ушбу маҳсулотларни сотишда замонавий рақобат устунлигини *маркетинг стратегиясисиз* кўлга киритиб бўлмайди. Ушбу стратегия нафакат маҳсулотни сотиш, балки уни ишлаб чиқариш имкониятларини ҳам қамраб олади. Бу имкониятлар эса биринчи навбатда халқаро миёсда фаолият юритмоқчи бўлаётган миллий компанияларнинг сармоялари ҳажми ва ишлаб чиқариш технологияларига боғлиқдир.

4. Миллий экспорт тизимининг ривожланишида *диверсификация* ва *марказлашув стратегиялари* аниқ мазмунга эга эканлигини ҳисобга олган холда Ўзбекистон шароитида корхоналар экспорт бозорларига чиқишида ушбу стратегияларни кўллаш учун *қўшимча бешта кўрсаткични ҳисобга олишлари* лозим. Булар *тўлов қобилияти, импорт бојслари ва нотариф тўсиқлар, истеъмол бозорлари ўртасидаги масофа, транспорт харажатлари* бўлиб, уларнинг хусусиятларини аниқ идрок этган холда республикамиз учун истеъмол бозорлари ўртасидаги масофа ҳамда транспорт харажатлари кўрсаткичлари ниҳоятда муҳимлиги таъкидланди. Сабаби, бу кўрсаткичлар ташки бозорларни ўзлаштиришда бевосита таъсирга эга. Бу масала ташки бозорларни ўзлаштириш билан бевосита боғлиқ ҳамда мамлакат саноат ишлаб

чиқаришини жойлашувига таъсир этиш оркали миллий иқтисодиётни тараккиётiga кучли таъсир килади.

5. Инвестиция киритиш нарх омили бўйича ракобат устунлигини бергани билан корхона ташки бозорда узок вақт фаолият юритмоқчи бўлса, халқаро маркетинг стратегияси асосидаги ракобат устунлигини таъминлаш ва ривожлантириш йўлларини ҳал этиши зарур. Акс холда корхонанинг ташки бозордаги ишлаб чиқариш ва сотув фаолияти узокка чўзилмайди, ракобат устунлиги эса тезда қўлдан чикади. Бунинг олдини олиш учун ташки савдо компаниялари ҳамда экспортёр корхоналар халқаро бозорларда нарх ва маркетинг стратегиясига асосланган рақобат устунлигини яратишлари ва улардан самарали фойдалана олишлари керак бўлади.

6. Экспортнинг рақобат стратегияси ишлаб чиқариш омиллари сифатига ва маркетинг технологиясига боғлик бўлади. Бу эса халқаро бозорларда фаолият юритувчи ташки савдо компаниялари ва корхоналар олдига халқаро бозорларга кириб борища инвестиция киритиш шаклини ва унинг асосида бозорга кириш моделини яратиш муаммосини қўядики, унинг ечими қўидаги вазифаларни ҳал этишини тақозо этади:

- ривожланган мамлакатлар *ТМКларининг халқаро бозорларга кириб бориши стратегияларини* Ўзбекистон корхоналари ҳам қўллай олиши мумкинлиги;
- хорижий филиаллар бош офисга нисбатан қайси шаклда ихтисослашиши лозимлиги;
- хорижий филиалларнинг вертикал ва горизонтал ихтисослашуви билан экспорт бозорларини ўзлаштириш моделларини яратища қандай боғликлек борлигини аниқлаш.

7. Экспортёр корхоналарнинг халқаро маркетинг бўйича менежерлари ташки бозорларда маркетинг стратегиясини ресурслар, ишлаб чиқариш, ноу-хау яратиш қобилияти ва ўзгарувчанлик имкониятларидан келиб чиқиб яратishi керак. Нарх ва маркетинг стратегиясига асосланган рақобат устунлигини яратиш Ўзбекистоннинг экспортёр корхоналари олдига қуйидаги саволларга жавоб топиш вазифасини долзарб килиб қўяди:

- экспортёр компанияларнинг ички бозордаги рақобат устунлиги нимага асосланган ва уни ташки бозорда ҳам қўлласа бўладими?
- агарда ички бозордаги рақобат устунлиги ташки бозорга тўғри келмаса, ўзгарувчан рақобат устунлигини яратиш имконияти борми ва у қайси турдаги омилларга боғлик бўлади?

Бу ўринда Ўзбекистон Республикасининг ташки савдо компаниялари ва экспортёр корхоналари учун халқаро рақобат стратегиясини яратиш бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омилларга боғлик бўлиши таъкидланди.

8. Экспорт учун мавжуд тўсиклар ривожланаётган давлатлар иқтисодий тараккиётiga кучли таъсир этувчи салбий омил бўлиб, уни тахлил этиш ва ўрганиш экспортнинг маркетинг стратегиясини яратиша мухим аҳамиятга эга. Бунда аввало протекционизмнинг миллий шаклларини кўриб чиқиш ва текстил маҳсулотларига ўрнатилган ташки савдо тўсикларини инобатта олган холда аниқ стратегия яратиш максадга мувофиқидир.

9. Ўзбекистон Республикаси шароитида пахта ва текстил маҳсулотини экспорт килувчи экспортёр компаниялар учун маркетинг стратегиясини яратишида *дифференциаллашган ва глобал стандартлашган товарлар* ишлаб чиқариш ва экспорт килишнинг хусусиятлари эътиборга олиниши керак. Бунда: экспорт маркетинги стратегияси пахта ва текстил маҳсулотлари учун нафакат нарх омили нуқтаи назаридан, балки мавжуд ресурслар ва уларнинг асосида шакллантирилиши мумкин бўладиган рақобат устунлигининг шаклини эътиборга олган ҳолда яратилиши; маркетинг стратегиялари *ўрта ва узоқ муддатли даврни ўз ичига олган бўлиши ва корхоналарнинг халқаро интеграциялашув моделлари билан ўзаро мос келиши; халқаро бозорларга кириб боришининг жадал ва самараали услуби сифатида бренд асосида сотиш бозорларига эга хорижий инвесторларни кенг жалб килиши; МДҲ давлатлари экспорт бозорларини ўзлаштиришда тармоқ ички савдоси, халқаро интеграция ва кооперация асосида *дифференциаллашган товарлар* ишлаб чиқарши истиқболга эга бўлиши муҳим илмий-амалий аҳамиятга эгадир.*

10. Ўзбекистонда экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар хамда ташки савдо компанияларининг бугунги кундаги шароитидан келиб чиқиб, экспорт фаолиятини ривожлантиришда *халқаро ва глобал* экспорт стратегияларни кўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки мультидоместик стратегияда экспорт маҳсулотининг ҳаражатлари мослашиш эвазига кўпайиб кетиши эҳтимоли мавжудлиги аникланди.

11. Миллий пахта-текстил маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича хозирги кундаги асосий вазифа - уни ишлаб чиқаришдаги барча технологик босқичларга: пахта толаси ишлаб чиқариш ва ярим тайёр (йигирилган ип, мато, полотно) ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга тегишли пухта ўйланган маркетинг стратегиясини жорий этишдан иборат. Бунинг учун, ўз навбатида, Республика *пахта ва текстил саноати кластерини яратишидаги сайи ҳаракатларни янада жадаллаштиришни* хамда ушбу кластер доирасида тегишли тармоқлар ва муассасалар кооперациясини таъминлаш зарурияти асосланди.

12. Глобаллашув жараёнидаги яна бир мустаҳкам қадам бу – ЕвроТехнотекстил асосида ягона “*Пахта ва текстил биржасини*” мамлакат худудида ташкил этиш гоясини илгари суришдир. Диссертацияда республикамизда пахта толаси билан савдо килувчи биржа ташкил этиш фикри ва уни жорий этиш механизмини *пахта ва текстил маҳсулотлари кластери технологик занжисири доирасида ўйлга қўйишни* ва ушбу мажмуалар фаолиятини ривожлантириш муҳимлигини илмий ва назарий жиҳатлари асосланди.

13. Халқаро бозорларни истеъмол қувватини эконометрик моделлаштиришда маълум “*тайм тренд*” усули ёрдамида таҳлил қилиш муҳимдир. Ушбу усул ёрдамида экспортёр товарни ташки бозорларда уни рақобатчилар томонидан сотилиш ҳажми ва ўсиш суръатларидан келиб чиқиб максадли истеъмол бозорига баҳо бериши мумкин. Бу усулни пахта хомашёси хамда кисман ярим тайёр маҳсулотлар экспорти учун кўллаш мақсадга мувофиқдир. Халқаро экспорт бозорлари тўғрисида етарли ахборотга эга бўлмаган холатда корхоналар учун истиқболли экспорт бозорларини танлашда

регрессион таҳлил усулини кўллаш ёки маркет скринингини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

14. Ўзбекистон Республикасининг жуғрофий жойлашуви халқаро бозорларга чиқишида бевосита экспорт фаолиятини бугу'иги кундаги иктисодий ва технологик тараккиёт учун жуда мухим эканлигини, яқин келажакда эса аввал стандартлашган ёки дифференциаллашган ишлаб чиқариш, кейин эса четга инвестиция чиқариш усуллари афзаллигини исботлайди. Умуман, Ўзбекистон ташки савдо компаниялари ва корхоналарининг халқаро фаолиятини жуғрофий нұктан назардан диверсификация килиш имконияти катта бўлиб, бу мамлакатимизнинг глобал миқёсдаги жуғрофий жойлашуви билан боғлиқлиги билан белгиланади. Бу борада Ўзбекистоннинг Европа билан Осиёни туташтирувчи меридионал транспорт йўлаги эканлиги инобатга олиниб, Ўзбекистон худудида "Халқаро логистик марказни" ташкил этиш масаласи ўртага ташланди ва бу масалани ҳал этилиши мамлакатнинг минтақавий миқёсда регионал марказга айланишига олиб келиши таъкидланди.

15. Тадқиқот ишида пахта толасини жаҳон бозорларига етказиш харажатларини камайтиришнинг иктисодий-математик модели таклиф этилиб, юқ ташишини оптималь тарзда ташкил этиш ва терминалларни танлаш масаласи ҳал этилди. Пахта толасини жаҳон бозорларига етказиш харажатларини камайтиришнинг иктисодий-математик моделинин тузишида: *оптималлик таъминлаш, бир тизимли ёндашув асосида синергик самарани таъминлаш, транспорт-логистик тизимнинг ҳамма бўғинларидаги харажатларни камайтириш, ташки шарт-шароитларга нисбатан барқарорлик ва кўникувчанликни таъминлаш, халқаро транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш корхонасининг фаолият юритиши сифатини тавсифлайдиган кўпгина оптималлик мезонларини самарали кўллаш харажатларни камайтиришга имконият яратади.* Таклиф этилган иктисодий-математик модел асосида хомаше ва текстил маҳсулотларини экспорт килишдаги транспорт харажатларини 10-12 фоизга камайтириш имкониятини яратади.

16. Халқаро ишлаб чиқариш интеграцияси методологияси Farb иктисодчилари томонидан ишлаб чиқилган бўлсада, у халқаро ишлаб чиқариш фаолияти турли шаклларининг ривожланишини олдиндан белгилаб берадиган фойдалилик функциясига асослангандир. Бинобарин, ўтиш даври иктисодиётига асосланган мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон иктисодиётининг ривожланишида айни вактда инвестиция оқимлари, солиқ ставкалари ва транспорт харажатлари билан боғлиқ омиллар катта аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда таклиф этилган методология айнан ушбу омилларни ҳисобга олган холда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун назарий модельнинг яратилишини кўзда тутади. Демак, маҳаллий корхоналарга бирон-бир турдаги халқаро интеграциялашув стратегиясини таклиф килишдан аввал, *интеграция стратегиялари турларини ва уларнинг хусусиятларини* кўриб чиқиш, сўнгра Ўзбекистондаги текстил корхоналарини халқаро интеграция учун баҳолаб, маъқул келадиган стратегия турини танлаш таклиф этилди.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

I. Монографиялар ва илмий журналларда эълон қилинганд маколалар

1. Адылова З.Д. Истемол бозорида маркетинг. Монография. Т.: "Мехнат", 2002, 152 б.
2. Адылова З.Д. Халқаро бозорларда маркетинг стратегияси. Монография. Т.: "Фан", 2006, 200 б.
3. Адылова З.Д. Региональные масштабы экспортноориентированной экономической политики // Журнал Налогоплательщика. - Т., 2006, № 3, с. 28-31.
4. Адылова З.Д. Иктисадий ҳамкоркорлик истиқболлари // Иктисадиёт ва таълим. - Т., 2006, № 3, 134-138 б.
5. Адылова З.Д. Экспорт – иктисадиёт таянчи. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2006, № 10, 4-5 б.
6. Адылова З.Д. Салоҳият ва имконият. Бизга маҳсус иктисадий зоналар керакми? // Солик тўловчининг журнали. - Т., 2006, № 10, 41-43 б.
7. Адылова З.Д. Евросиё заминида иктисадий ҳамкорлик истиқболлари. Ижтимоий фикр. // - Т., 2007, №2, 19 б.
8. Адылова З.Д. Ўзаро манбаатли кооперация // Жамият ва бошқарув. - Т., 2007, №2, 94-95 б.
9. Адылова З.Д. Интеграцион жараёнларда янги юксалиш // Жамият ва бошқарув.-Т.,2007, №3, 34 б.
10. Адылова З.Д. Интернационализация производства и ТНК // Рынок, деньги и кредит. - Т., 2007, №4, с. 64-66.
11. Адылова З.Д. Хлопково-текстильный кластер. // Сельское хозяйство Узбекистана. - Т., 2007, №4, с. 17-18.
12. Адылова З.Д. Халқаро бозорларга чиқиш стратегияси // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - Т., 2007 №6, 33-34 б.
13. Адылова З.Д. Халқаро бозорларда ўзбек пахтасининг мавқеи // Бозор, пул ва кредит - Т., 2007. №7, 19 б.
14. Адылова З.Д. Взаимовыгодная кооперация в контексте углубления регионального сотрудничества // Сельское хозяйство Ўзбекистана.-Т., 2007, №9, 21 с.
15. Адылова З.Д. Новые контуры в стратегии продвижения узбекского хлопка // Экономика и финансы. - М., 2007, №2, с. 56-58.
16. Адылова З.Д. Возможности национального экспорта Республики Узбекистан // Экономика и финансы. - М., 2007, №3, с. 14-16.
17. Адылова З.Д. Экономическая стратегия Узбекистана по развитию экспортной продукции // Экономика и технология. М., 2007, №21 , с. 22-25.
18. Адылова З.Д. Перспективы национального экспорта Республики Узбекистан // Федеративные отношения и региональная социально-экономическая политика. - М., 2007, №4, с. 55-57.

II. Илмий анжуманлар материаллари тўпламларидағи ишлар

19. Адылова З.Д. Замонавий бошқарув ва маркетинг - истемол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ривожланиш асосидир // Респ. илм.- амал. анж., Т., ТДИУ, 2003, 182-185 б.

20. Адылова З.Д. Маркетинг ориентированный на потребителя // XVII Плехановские чтения, М., 21 апреля 2004 г., с. 157-158.
21. Бекмурадов А.Ш., Адылова З.Д. Стратегия развития внешнеторгового маркетинга в продвижение товаров на внешние рынки // Межд. науч. прак. конф., Т., ЦЭЭП, 2004 г., 27-28 мая, с.45-46.
22. Назарова Г.Г., Адылова З.Д. Зарубежный опыт исследования маркетинговых каналов по продвижению товаров на внешние рынки // Рссп. науч. прак. конф., Т., ТГЭУ , 2005г., с. 23-24.
23. Адылова З.Д. Истеммол бозорида маркетингнинг ўзига хос хусусиятлари // Респ. илм.- амал. анж., Т., ТДИУ, 2005, март, 71 б.
24. Адылова З.Д., Эштаев А.А. Стратегия экспорта товаров на рынки Центральной Азии // XVIII Плехановские чтения, М., 26 марта 2005 г., с. 56-57.
25. Адылова З.Д., Мухамедрахимов У.Х. Международные аспекты маркетинга // "Устоз-шогирд" тизими доирасида. Респ. илм.-амал. анж., Т.,ТДИУ, 2005, 16 май, 69-716.
26. Адылова З.Д., Хакимов Н.З. Ўзбекистоннинг Европа иттифоқи мамлакатлари билан иктисодий муносабатлари //Респ. илм.- амал. ағж., Т.,ТДИУ, 24 май, 2005, 1086.
27. Адылова З.Д. Сотрудничество Республики Узбекистан и Японии в экономике и социальной сфере. Международная научно-практическая конференция. Т., ЛСА Alumni association in Uzbekistan 2005 г., с. 226-231.
28. Адылова З.Д. Оценка маркетинговой привлекательности регионов Узбекистана // XIX Плехановские чтения, М., 6 апреля 2006 г., с. 190-191.
29. Адылова З.Д. Маркетинговые каналы по продвижению товаров на внешние рынки. // Респ. илм.- амал. анж., Т., ТДИУ, 26 декабрь, 2006, 143 б.
30. Адылова З.Д. Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг экспорт сиёсати // Республика илмий- амалий аникумани. Т., ТДИУ 2007, 17 январь, 177-180 б.
31. Адылова З.Д. Экономическое сотрудничество в рамках ЕврАзЭС // XX Плехановские чтения, М., 6 апреля 2007 г., с. 190-191.
32. Адылова З.Д. Зарубежный опыт регулирования внешнеэкономических связей//Сборник научных статей. МГУ им. М.В. Ломоносова. М., 2007 г., с. 12-13.
33. Адылова З.Д. Маркетинг в продвижение товаров на внешние рынки // Сборник научных статей. МГУ им. М.В. Ломоносова. М., 2007 г., с. 60.
34. Adilova Z.D., Ubaidullaeva I.S. Strategic directions of promotion of export production in the international markets. International Symposium. China, july 2-6, 2007., p.42-44.

III. Дарслик ва ўкув кўлланмалэр

35. Назарова Г.Г., Адылова З.Д. Основы маркетинга. Учебное пособие. Т.,ТГЭУ – 2002 г., 60 с.
36. Назарова Г.Г., Умарходжаева М.Г., Адылова З.Д. Халкаро савдони ривожлантариш тенденциялари. Ўкув кўлланма. Т., ТДИУ 2005, 216 б.
37. Назарова Г.Г., Мухамеджанова Г.А., Адылова З.Д. Экономика зарубежных стран. Учебное пособие. Т., ТГЭУ – 2006 г., 180 с.
38. Назарова Г.Г., Адылова З.Д. Сафаров Н. Тенденции развития международной торговли. Учебное пособие. Т., ТГЭУ – 2007 г., 160 с.
39. Назарова Г.Г., Адылова З.Д. Мухамедрахимов У.Х. Международный маркетинг. Учебное пособие. Т., ТГЭУ – 2007 г., 150 с.
40. Назарова Г.Г., Рузметова Н.Д., Адылова З.Д. Международная бизнес стратегия. Учебное пособие. Т., ТГЭУ – 2007 г., 180 с.

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Адылова Зулфия Джавдатовнининг

08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича “Халкар бозорларга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегияси” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянич (этиг мухим) сўзлар: халкар бозорлар, халкар маркетинг экспорт маҳсулотлар, маркетинг стратегияси, ташки иқтисодий фаолият, халкар бозорларни сегментлаш, Бенчмаркинг, ракобатли позициялаш, кластер, интеграция, кооперация, халкар транспорт йўлаклари, диверсификация, халкар иқтисодий ҳамкорлик, Евросиё бозори.

Тадқикот объекти: Миллий маҳсулотларни йўналтирилиши мумкин бўлган халкар бозорлар ҳамда пахта ва текстили маҳсулотларини экспорти билан шугууландиган маҳаллий корхоналар ва ташки савдо компаниялари хисобланади.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини оширишга каратилган халкар маркетингнинг илмий концепциясини шакллантириш ва халкар бозорларнинг жозибадорлигини баҳолаш услубнётларини такомиллаштириш асосида миллий маҳсулотларни ташки бозорларга йўналтиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқицдан иборат.

Тадқикотният усуслари: Тадқикот жараённида иқтисодий вокелик ва жараёнларни билишининг турли илмий усуслари: иқтисодий тизимларни ўрганишга нисбатан диалектик ёндашув, тахлил, синтез, комплекс ғидашув, шунингдек, маҳсус иқтисодий усуслар - киёсий тахлил, сегментлаш, эксперт баҳолаш, позициялаш ва ахборот тўплаш усуслари кўлланниди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Диссертация ишида халкар иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши доирасида халкар маркетинг услубларига муаллифининг карашлари асосланган ҳамда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида халкар маркетингнинг роли ва унинг миллий хўжаликнинг иқтисодий тараққиётидаги аҳамияти кўрсатиб берилган. Ишда илк бор “миллий маркетинг”, “экспорт маркетинги” ва “халкар маркетинг” тушунчаларининг замонавий қиёслами тахлили амалга оширилган ва унинг макро даражадаги функциялари асосланган. Ўзбекистондаги пахта ва текстили маҳсулотларини экспорт килювчи ташки савдо компаниялари ва корхоналари учун экспортнинг маркетинг стратегиясини яратиш услубиётни ва андозаси ишлаб чиқилган ҳамда нарх ва маркетинг стратегиясига асосланган рақобат устуныгини ишлаб чиқиша уни амалга ошириш имкониятлари асосланган. Ўзбекистоннинг экспортёр корхоналари учун истиқболли экспорт бозорларининг вакт тренди усули ва эконометрик модели асосида маркет скрининги ўtkazilgan ва ташки бозорларнинг жозибадорлик даражасини тавсифлайдиган қиёсий баҳолаш услубиётни асосланган. Шу билан бирга диссертацияда Ўзбекистонда пахта ва текстили саноатини ривожлантириш учун халкар кластерлар яратиш модели ишлаб чиқилган ва ягона ЕвроСиё бозорини шакллантириш заминида тармокларо халкар интеграция ва кооперацияни ривожлантириш стратегияси илмий асосланган.

Амалий аҳамияти: халкар бозорларга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши бўйича олинган илмий-назарий тавсиялар ва амалий таклифлар маҳаллий корхона ва ташки савдо компаниялари фаолиятини такомиллаштиришга, маҳсулотлар экспорти йўлида энг самарали стратегияларни танлашга ҳамда ушбу стратегиялар асосида узоқ муддатли бизнес лойихалар яратишга имконият яратади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертацияда ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси давлат фан ва техника қўмитасининг Д-2.38 “Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви шароитида иқтисодиётни ислоҳ килиш ва такомиллаштиришнинг корижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш” мавзусида бажарилган илмий лойиҳасида (№1233, 05.05.06), Ўзбекистон Республикаси ТИАИС вазирилиги томонидан (№01/15-195, 11.10.07), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирилиги (№1-2/20-84, 19.11.07) томонидан ушбу вазириликлар тизимида фаолият юритувчи ташкилотлар амалиётида ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўкув жараённида (№35. 30.06.06) фойдаланиш учун кабул килинган.

Кўлланыш (фойдаланиш) соҳаси: маҳаллий экспортчи корхоналар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирилиги тизимидағи ташкилотлар ҳамда ТИАИС вазирилиги тизимидағи ташки савдо компаниялари фаолиятида ва ихтисослашган олий ўкув юрглар дарс жараённида фойдаланиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Адыловой Зульфии Джавадатовны на тему: «Маркетинговая стратегия продвижения экспортной продукции на международные рынки» на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.13 – «Менеджмент и маркетинг»

Ключевые слова: международные рынки, международный маркетинг, экспортная продукция, маркетинговая стратегия, внешнеторговая деятельность, сегментация международных рынков, Бенчмаркинг, конкурентное позиционирование, кластер, интеграция, кооперация, международные транспортные коридоры, диверсификация, международное экономическое сотрудничество, рынок ЕврАзЭС.

Объектом исследования являются международные рынки, а также совокупность предприятий и внешнеторговых компаний, занимающихся производством и экспортом хлопка-волокна и текстильной продукции.

Целью работы является разработка научных основ и методологии применения маркетинговых стратегий в продвижении товаров на внешние рынки, формирование научной концепции международного маркетинга, направленной на повышение экспортного потенциала регионов Узбекистана и методики оценки их маркетинговой привлекательности.

Методы исследования. В процессе исследования применялись различные научные методы познания экономических явлений и процессов:ialectический подход к изучению экономических систем, анализ, синтез, комплексный подход и другие общенаучные методы, а также специальные экономические методы – сравнительный анализ, метод экспертных оценок, корреляционный анализ, графический метод, методы сбора и обработки информации.

Основными результатами, составляющими научную новизну исследования являются: авторский подход на методы международного маркетинга в рамках развития международных экономических отношений и на роль международного маркетинга в условиях глобализации мировой экономики и его значения в экономическом развитии национального хозяйства; сравнительный анализ современных понятий «национальный маркетинг», «экспортный маркетинг» и «международный маркетинг» и обоснование их функций на макро уровне; методика и модели создания экспортной маркетинговой стратегии для внешнеторговых компаний и предприятий, экспортирующих хлопковую и текстильную продукцию Узбекистана; обоснование конкурентных преимуществ в ценовой и маркетинговой стратегии, определение возможностей реализации их на практике; модель создания международных кластеров для развития хлопковой и текстильной промышленности Узбекистана; маркет скрининг с применением метода тайм-тренд и эконометрической модели изучения перспективных экспортных рынков для предприятий-экспортеров Узбекистана и методика сравнительной оценки, характеризующей степень привлекательности внешних рынков; обоснование стратегии развития межотраслевой международной интеграции и кооперации на основе формирования единого Евразийского рынка.

Практическая значимость: теоретические предложения и практические рекомендации по разработке маркетинговых стратегий продвижения экспортной продукции на международные рынки позволят совершенствовать деятельность предприятий и внешнеторговых компаний, помогут при выборе эффективных стратегий по разработке долгосрочных бизнес-проектов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: выводы и предложения, разработанные в диссертации, были использованы в научном проекте П-2.38 «Разработка рекомендаций по использованию опыта зарубежных стран реформирования и совершенствования экономики в условиях интеграции Республики Узбекистан в мировую экономику» Государственного комитета по науке и технике РУз. (№1233, 05.05.06), а также применяются в практической деятельности внешнеторговых и экспортных компаний МВЭСИТ РУз. (№01/15-195, 11.10.07), в деятельности управлений и организаций Министерства Экономики РУз. (№1-2/20-804, 19.11.07), в учебном процессе Ташкентского государственного экономического университета (№35, 30.06.06).

Область (использования) применения: результаты исследования могут быть использованы в деятельности экспортных предприятий, а также управлений и организаций Министерства Экономики РУз. и внешнеторговых компаний системы МВЭСИТ РУз. а также в учебном процессе соответствующих высших учебных заведений Мин.ВУЗа РУз.

R E S U M E

Thesis of Adilova Zulfiya Djavdatovna on «Marketing strategy for furthering of exports products into international markets " for competition of the doctor of economic sciences scientific degree in the speciality 08.00.13 - «Management and marketing »

Key words: international markets, international marketing, export products, marketing strategy, foreign trade activity, segmentation of international markets, Benchmarking, competitive positioning, cluster, integration, cooperation, international transport corridors, diversification, international economic cooperation, Euroasian market.

The object of research are international markets as well as the set of the enterprises and foreign trade companies engaged in manufacture and export of cotton fiber and textile products.

The purpose of research work is to work out scientific basis and methodology for application of marketing strategies in furthering of goods into external markets; to form scientific concept of international marketing which is directed to raising of export potential of the regions of Uzbekistan and evaluation methods of their marketing attractiveness.

Methods of research: Various scientific methods of knowledge of economic phenomena and processes have been applied during the research process. These are: dialectical approach to studying of economic systems, analysis, synthesis, complex approach and other scientific methods as well as special economic methods such as comparative analysis, the method of expert appraisal, correlation analysis, graphical method, and methods of information collection and processing.

The research results and their novelty are as follows: the author's approach to the methods of international marketing within the development of international economic relations and the role of international marketing in globalization of world economy and its significance in economic development of national economy; comparative analysis of modern notions such as "export marketing" and "international marketing" and justification of their functions on macro level; the method and models for creation of export marketing strategy for foreign trade companies and enterprises which export cotton and textile products of Uzbekistan; justification of competitive advantages in pricing and marketing strategy and determining of possible ways to put them into practice; the model for creation of international clusters for the development of cotton and textile industries in Uzbekistan; market screening with the application of time-trend method and econometric model of studying perspective export markets for exporting enterprises of Uzbekistan; the method of comparative valuation, which characterizes the degree of attractiveness of external markets; justification of development strategy of interindustrial international integration and cooperation on the basis of forming of single Eurasian market.

The practical importance: theoretical suggestions and practical recommendations on the development of marketing strategy to further export products into international markets will allow to improve the activity of enterprises and foreign trade companies, and will help to choose the most efficient strategy for the development of long-term business projects.

The degree of implementation and economic efficiency: conclusions and recommendations worked out in the dissertation were used in the scientific project P-2.38 "Development of the recommendations on the use of experience of foreign countries of reforming and perfection of economy in conditions of integration of the Republic of Uzbekistan into the world economy " of the state committee on science and engineering of the Republic of Uzbekistan (№1233, 05.05.06), and also were applied at foreign trade and exporting companies within the system of Ministry of Foreign Economic Relations, Investments and Trade of the Republic of Uzbekistan. (№01/15-195, 11.10.07), in the activity of offices and organizations of the Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan (№1-2/20-804, 19.11.07), in educational process of the Tashkent state economic university (35, 30.06.06).

Area of application: the research results can be used in the activity of the exporting enterprises, offices and organizations of the Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan and also at foreign trade companies within the system of the Ministry of Foreign Economic Relations, Investments and Trade of the Republic of Uzbekistan, also in educational process of the appropriate higher educational institutions.